БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 75

23 МАЙ ЯКШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тийин.

Яшасин украин, рус халқларининг, мамлакатимиздаги барча халқларнинг бузилмас дўстлиги—уларнинг миллий мустақиллиги ва озодлиги, гуллаб-яшнаши ва бахт-саодатининг ягона ва мустаҳкам гарови!

Яшасин бизнинг Улуғ Ватанимиз—бутун дунёда тинчликнинг қудратли таянчи—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

МЕХАНИЗАТОР

Социалистик далаларимизда қизғин ижодий меҳнат қайнамоқда. Мамлакат қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш тўғрисидаги партия ва ҳукумат қарорларидан илҳомланган совет кишилари барча экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун колхоз ва совхоз далаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Тонг ёришгандан қош қорайгунча далаларда тракторларнинг овози янграйди. Колхозчи эр ва аёллар, совхоз ишчилари озод меҳнат ва бахтли ҳаёт ҳақида қўшиқлар қуйлаб, ҳормай-толмай ишламоқдалар. Қишлоқ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумлари чизиб берган улуғвор программани муваффақиятли бажариш орзуси блан тўлиб-тошганлар.

Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш ва ҳамма экинлардан мўл ҳосил етиштиришда асосий куч — техника бўлиб қолди. Қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати камаймоқда, бутун ишлар машиналар воситаси блан бажарилмоқда. Эндиликда қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш бой техникадан моҳирлик блан фойдаланишга, кўпсонли механизатор кадрларнинг ғайрат ва маҳоратига боғлиқ бўлиб қолди. Механизатор — социалистик қишлоқ хўжалигининг ҳал қилучи кучидир. Айниқса йил бўйи, узлуксиз комплекс ишларни бажаришни талаб қилучи пахтачилик асосий хўжалик бўлган бизнинг шароитимизда механизаторлар зиммасига шарафли ва мас'улиятли вазифа юкланади.

Областимизнинг илғор МТСлари ва механизаторлари кўкламги дала ишларини уюшқоқлик блан ўтказиб, чигитларни текис ундириб олдилар, яганани тамомладилар, ғўзанд парвариш қилишнинг биринчи даври ишларини ҳам тугалладилар. Янгийўл районидаги 1-МТС, Ўртасарой ва Гулистон МТСларининг механизаторлари трактор паркидан унумли фойдаланишда анча муваффақиятлар. га эришдилар. Айрим трактор бригадалари ўз ишларида ажойиб намуналар кўрсатмоқдалар.

Ўртасарой районидаги 1-нчи МТС тўртинчи трактор бригадаси а'золарининг ташаббуси блан ғўза парваришини қисқа, агротехника жиҳатдан энг яхши муддатларда ўтказиш, бутун ишни а'ло сифатли қилиб бажариш, ҳарбир «универсал» блан 1 августгача 1000 гектар ердаги ғўзани ишлаб бериш юзасидан трактторчилар ўртасида социалистик мусобақа бошланиб кетди.

Ўртасарой механизаторларининг ватанпарварлик ташаббуси бутун область механизаторлари томонидан қизғин кутиб олинди. Миннгетарчилар ҳаракатига қўшилган айрим трактор бригадалари ўз ишларига танқидий назар блан қараб, тракторлардан фойдаланиш ва меҳнатни ташкил этишда жиддий камчиликлар борлигини аниқладилар. Сирдар'ё районидаги 1-нчи МТСнинг ўрток Ш. Ҳолматов механик бўлган трактор бригадасининг ишида катта нуқсонлар борлиги ма'лум бўлди. Бу бригадада универсалларнинг тирков асбоблари нотўғри ўрнатилганлиги туфайли ёш ғўзалар тупроқ остида қолиб нобуд бўлабошлаган, культивация сифати бузилиб, айрим эгатлар культивация қилинмай қолган. Тракторчилар айрим бригадаларга биркитиб қўйилмаганликдан эгасизлик, мас'улиятсизлик ҳукм сурган ва ишни сифатсиз бажарган тракторчини аниқлаш қийин бўлган ва ҳаказо

Ҳозир бу трактор бригадаси далачилик бригадаси блан келишиб тузилган график асосида ишламоқда. Тракторчилар томонидан бажарилган иш далачилик бригадаси томонидан қабул қилиб олинмоқда. Бу тартиб ишнинг а'ло сифатли ўтказилишини та'минламоқда.

Бу йил чигит экиш анча кечикди. Чигитни текис ундириб олиш ва яганалаш чўзилиб кетмоқда. Бироқ, биз колхоз ва совхозларда ғўза парваришини кучайтириб, қолоқликни тугатиш учун барча моддий-техника воситаларига эгамиз. Ҳамма қишлоқ меҳнаткашлари ва биринчи галда механизаторларни мўл ҳосил учун курашга тўла сафарбар этиш—ғўза парваришидаги қолоқликни тугатишнинг энг биринчи шартидир.

Механизаторлар ўртасида бошланган миннгетарчилар ҳаракати буюк ватанпарварлик ташаббусидир. Барча механизаторларни бу ҳаракатга жалб этиш — МТС ва совхоз бошлағич партия ташкилотлари ҳамда район партия ва совет ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Механизаторлар томонидан олинган социалистик мажбуриятларнинг тўла бажарилишини та'минлаш, механизаторларнинг унумли ишлаши учун уларга маданий-маиший шароитни яхшилаш зарур. Ҳарбир колхозда тракторчилар учун шийпонлар жиҳозланиши, иссиқ овқатлар узлуксиз тайёрлаб турилиши керак.

МТС, колхоз ва совхоз бошлағич партия ташкилотлари механизаторлар ўртасида партиявий-сиёсий ва оммавий-агитация ишларини кучайтириб юборишлари лозим. Ҳарқайси трактор бригадасида ишчан агитатор бўлсин. Деворий газета ва «Жанговар варақа»лар узлуксиз чиқарилиб, илғор тракторчиларнинг иш тажрибаси кенг пропаганда қилинниши, ҳарбир тракторчининг иш нормасини ошириб бажаришга эришиш зарур. Тракторлардан унумли фойдаланишнинг энг муҳим шартларидан бири тракторларнинг икки смена ишлашини та'минлашдир. Универсалчилар етишмаган тақдирда бу ишга ҳайдов тракторларида ишлайдиган механизаторларни жалб этиш зарур.

Механизаторларнинг унумли ишлаш. лари кўп жиҳатдан колхоз правлениеси ва далачилик бригадаларининг аниқ ва пухта ишлашига ҳам боғлиқдир. Тракторнинг узлуксиз ишлаши учун ёнилғи, сув тайёр туриши, культивация қилинадиган ер олдиндан белгилаб қўйилган бўлиши лозим Ба'зан далачилик бригадалари ҳамма ерни бирдан суғориб қўядилар, бунинг натижасида тракторлар бекор қолади. Механизаторлар ўз зиммаларига олган мажбуриятни муваффақият. ли бажариши учун уларга яхши иш шароити туғдириш ва доим ёрдам бериб туриш лозим.

Областимизнинг меҳнаткашлари, шу жумладан юқори ҳосил учун курашчиларнинг илғор отряди — механизаторларимиз бу йил пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришга, жонажон Ватанимизнинг иқтисодий қудратини тобора мустаҳкамлашга қаттиқ бел боғлаганлар. Қишлоқ меҳнаткашларининг ватанпарварлик ҳаракатига бошчилик қилиш эса партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Район, МТС, колхоз ва совхоз партия ташкилотлари механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани ривожлантириб, ҳарбир агрегатнинг унумли ишлашига эришиш блан ғўза парваришини кучайтиришлари ҳамда барча экинлардан мўл ҳосил етиштиришни та'минлашлари лозим.

Механизаторлар қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтиришда ҳал қилучи куч эканлигини бир минут ҳам унутмайлик.

Механизаторлар ўртасида бошланган миннгетарчилар мусобақасини тобора кенгайтирайлик.

Украина Совет Социалистик Республикаси Олий Советига
Украина ССР Министрлар Советига
Украина Коммунистик партияси Марказий Комитетига

СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети украин ва рус халқларининг катта миллий байрами, СССРдаги барча қардош халқларнинг байрами — Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги муносабати блан Украина Совет Социалистик Республикасининг ишчиларини, колхозчиларини, интеллигенциясини, барча меҳнаткашларини қизғин табриклайдилар ва қутлайдилар.

Кўп асрлар давомида ажнабийларга қул бўлишга қарши, қардош рус халқи блан ягона Россия давлатида қайтадан бирлашиш учун курашган украин халқи ўз қон-қардош оғаси — рус халқини ҳамма вақт ўзининг ҳимоячиси ва содиқ иттифоқчиси деб ҳисоблади. Украин халқининг отоқли давлат арбоби ва саркарда Богдан Хмельницкий раҳбарлиги остида олиб борган озодлик урушида унга рус халқи доимо ёрдам кўрсатди. Украинанинг Россия блан қайта қўшилиши тўғрисида Переяслав Радасининг қарори эрксевар украин халқининг ўз иродасини зўр куч блан баён қилиши бўлди, буюк прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Россия блан қайта қўшилиш украин халқини поляк шляхтасининг зулмидан қутқазди, Украинани турк-татар хонлари босмачи ғалаларининг доимий ҳужумларидан қутқазди, украин халқининг миллий ривожланиши учун имкон берди.

Тарих тажрибаси рус ва украин халқлари танлаб олган қардошларча бирлашиш ва иттифоқ бўлиш йўли бирдан-бир тўғри йўл бўлганлигини кўрсатди. Икки улуғ славян халқларининг бирлашуви барча тащқи душманларга қарши, крепостникларга ва буржуазияга қарши, чоризм ва капиталистик қулликка қарши биргаликда олиб борилган курашларида уларнинг кучларини кўпайтирди. Бу курашда рус ва украин халқларининг бузилмас дўстлиги ривожланди ва мустаҳкамланди.

Украин халқи рус халқидан кейин биринчи бўлиб шонли социализм йўлидан борди. Россия ва Украина меҳнаткашлари бир жон-бир тан бўлиб Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси учун курашдилар, граждан уруши фронтларида жанг қилдилар, социалистик жамият қурдилар, Улуғ Ватан урушида Ватанимизнинг озодлигини ва мустақиллигини ҳимоя қилдилар.

Украина Совет давлатининг ташкил этилиши ва Украина блан Россия ўртасида ҳамда бошқа совет республикалари ўртасида мустаҳкам иттифоқ ўрнатилганлиги ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг буюк тантанаси бўлди, халқларнигг тўла тенг ҳуқуқлилиги ва дўстлиги принципларининг тантанаси бўлди, буржуа-миллатчи контрреволюциянинг жуда катта мағлубияти бўлди, Украинани Совет Иттифоқидан ажратиб ташлашга ва уни ўз мустамлакасига айлантиришга интилган халқаро империализмнинг мағлубиятга учраши бўлди.

Украин Совет Социалистик Республикасининг гуллаб-яшнаганлиги, унинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳаларидаги муваффақиятлари социалистик тузумнинг, ишчилар синфи блан деҳқонлар ўртасидаги қудратли иттифоқнинг, СССРдаги барча халқлар бузилмас дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигининг буюк кучини яққол кўрсатади.

Урушдан аввалги бешйилликлар давридаёқ Украина саноати юксак даражада ривожланган, йирик, машиналашган қишлоқ хўжалигига, шаклан миллий, мазмунан социалистик илғор маданиятга эга бўлган — индустриялашган-колхозлашган қудратли социалистик республикага айланган эди. Уруш ва немис-фашистлар оккупацияси Украинага оғир жароҳатлар етказди. Унинг заводлари ва фабрикалари, шахталари ва электростанциялари, шаҳарлари ва қишлоқлари яксон ва вайрон бўлди. Украин халқи ўзининг қаҳрамонона меҳнати блан, СССРдаги барча халқларнинг ёрдами блан қисқа муддат ичида Украина халқ хўжалигининг урушдан аввалги даражасини тиклабгина қолмай, балки бу даражадан жуда ўзиб ҳам кетди.

Эндиликда Совет Украинаси Европадаги энг катта давлатлардан бири бўлиб қолди; унинг қудратли саноати, унинг илғор қишлоқ хўжалиги, унинг гуллаб-яшнаётган шаҳар ва қишлоқлари, унинг маданият ва сан'ат соҳасида эришган буюк ютуқлари барча совет халқларининг қонуний ватанпарварлик ифтиҳоридир. Социализмнинг улуғ байроғи остида украин халқи ўзининг асрлар бўйи қилиб келган орзусини рўёбга чиқариб, барча украин ерларини ягона Украина совет социалистик давлатига қайтадан бирлаштирди. СССРнинг барча қардош халқлари блан биргаликда, Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида украин халқи тинч ижодий меҳнат соҳасида янги-янги ғалабаларга эришмоқда, коммунизм йўлидан ишонч блан олға бормоқда, бутун дун'ёда тинчлик учун кураш ишига катта ҳисса қўшмоқда. Давлат, хўжалик ва маданий қурилиш соҳаларида украин халқи эришган буюк муваффақиятлар янги, социалистик ҳаёт қуриш йўлига ўтган ҳамда енгилмас социализм ва демократия лагерига бирлашган барча озод халқлар учун илҳомбахш намунадир.

СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети қат'ий ишонч билдирадиларки, Совет Украинасининг ишчилари, колхозчилари, интеллигенцияси оғир индустрияни янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини ва халқ иste'мол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кескин суратда юксалтириш, халқнинг фаровонлигини тўхтовсиз ошириш юзасидан партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун курашда фидокорона меҳнат ва ижодий ташаббускорликнинг янги, юксак намуналарини кўрсатадилар.

Коммунизм тантанаси учун умумхалқнинг улуғ курашида шонли украин халқига янги муваффақиятлар тилаймиз!

Яшасин ва яшнасин Украина Совет Социалистик Республикаси!

Яшасин украин, рус халқларининг, мамлакатимиздаги барча халқларнинг бузилмас дўстлиги — уларнинг миллий мустақиллиги ва озодлиги, гуллаб-яшнаши ва бахт-саодатининг ягона ва мустаҳкам гарови!

Яшасин бизнинг Улуғ Ватанимиз — бутун дун'ёда тинчликнинг қудратли таянчи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Коммунистик партия раҳбарлиги остида коммунизм ғалабаси сари, олға!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.** — **СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.**

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УКРАИНА СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини нишонлаб ва давлат, хўжалик ҳамда маданий қурилишда украин халқининг эришган буюк муваффақиятларини тақдирлаб, Украина Совет Социалистик Республикаси **Ленин** ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль,
1954 йил 22 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КИЕВ ШАҲРИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги муносабати блан ҳамда рус, украин ва белорус халқларининг тарихида Киевнинг катта аҳамиятга эга бўлганлигини назарда тутиб, Украина Совет Социалистик Республикасининг пойтахти — **Киев** шаҳри **Ленин** ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси. К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1954 йил 22 май.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Профессор М. А. Петровага «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвон бериш тўғрисида

Фан соҳасидаги кўпйиллик ва самарали ишларини ҳамда катта илмий-амалий фаолиятини назарга олиб, Тошкент фармацевтика институти гигиена кафедрасининг мудири профессор Мария Анатольевна **Петровага** «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвон берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

Тошкент шаҳри.
1954 йил 21 май.

МОСКВАДА ЮБИЛЕЙ ТАНТАНАЛАРИ

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ МОСКВА ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ М. А. ЯСНОВ БЛАН СУҲБАТ

Мамлакатимиз Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини зўр ватанпарварлик руҳи ғоят ошган вазиятда нишонламоқда. Бу порлоқ байрам украин ва рус халқларининггина байрами бўлибгина қолмай, балки Коммунистик партия томонидан ягона улуғ қардошлик онласига жипслаштирилган барча совет халқларининг ҳам барамидир.

Украинанинг Россия блан қайта қўшилиши — катта тарихий воқиадир. Украин ва рус халқлари ўз тақдирларини бир-бирига абадий боғлаб, умумий душманларга қарши биргаликда кураш олиб бордилар. Ана шу курашда Украина ва Россия меҳнаткашларининг улуғ, бузилмас дўстлиги мустаҳкамланди ва чиниқди.

Ватанимизнинг пойтахти — Москва Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини бутун мамлакат блан биргаликда кенг нишонламоқда. Шаҳар корхоналарида, муассасаларида ва ўқув юртларида шонли кунга бағишланган тантанали йиғилишлар ва кечалар бўлиб ўтмоқда.

Москвадаги юзларча корхоналарнинг коллективлари — пойтахт металлурглари, машинасозлари, тўқучилари, пойафзалчилари, бинокорлари ва коммунал хўжалик ходимлари Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги шарафига социалистик мусобақада қатнашмоқдалар. Мусобақа асосий вазифани ҳал этишга — меҳнат унумини ҳамма чоралар блан ошириш, бешйиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун курашга бўйсундирилган. Москвалилар каби украинлар ҳам ишлабчиқариш соҳасида катта муваффақиятларга эришдилар. Бунда илғор корхоналарнинг тажриба олмошуви катта роль ўйнади.

Рус ва украин олимлари, маданият ва сан'ат арбоблари ўртасидаги ижодий алоқалар ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Украин адабиёти ва сан'атининг Москвада бўлиб ўтган декадаси ана шу алоқаларнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Москвалилар СССР Большой театри саҳнасида ғоят катта муваффақият блан тамошалар кўрсатган Т. Г. Шевченко номидаги Киев опера ва балет театри коллективини самимий меҳмондўстлик блан кутиб олдилар. Москвалилар талантли ижрочиларнинг маҳоратига муносиб баҳо бердилар. Украин халқининг вакиллари завод ва фабрикаларда, концерт заллари ва клубларда, пойтахт мактаблари ва муассасаларида, ҳарбий, қисмларда шодиёна кутиб олиндилар. Бу учрашувлар ҳамма жойда самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Айни бир вақтда Киевда рус адабиёти ва сан'ати декадаси ўтказилди. Қардош халқлар вакилларининг дўстлик белгиси сифатида бир-бирларига бориб туришлари Совет Иттифоқидаги барча халқлар ўртасидаги ижодий алоқаларнинг ва ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Ҳозир пойтахт катта умумхалқ тантанасига тайёрланмоқда. 23 май куни юз мингларча москвалилар байрамдагидек безатилган шаҳар кўчаларига чиқадилар Шу куни паркларда, майдонларда, скверларда ва бульварларда халқ сайиллари бўлади. Қирқ тўрт ерда очиқ саҳналар қурилиб, буларда пойтахт театрлари, филармония, цирк ҳамда Бутуниттифоқ радиоси артистлари тамошалар кўрсатадилар ва концертлар берадилар.

Москвалилар совет композиторларининг янги қўшиқларини эшитадилар. Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг мингларча қатнашчилари ўз маҳоратларини кўрсатадилар. «Динамо» марказий стадионида спорт байрами ўтказилади. Бу байрамда украин спортчилари қатнашадилар.

Кечқурун рангба-ранг байрам чироқлари ёндирилади. Қизил майдон ва Манеж майдони, Горький кўчаси, Киев вокзали ёнидаги, Ленинский Горида Москва университети олдидаги, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига кираверишдаги майдонлар айниқса кўркам тус олади. Шаҳар Совет Иттифоқи қардош халқларининг улуғ дўстлигини ифодалаб безатилган.

Шу кунларда москвалилар театрларда украин авторларининг пьесаларини тамоша қиладилар. Кинотеатрларда украин бадиий, ҳужжатли ва оммабоп-илмий фильмлари кўрсатилади.

Байрам кунлари Киев вокзали олдидаги майдонда украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги хотирасига бағишлаб монумент ўрнатилади. Бу иншоотнинг энг яхши проекти учун ўтказилган қонкурс архитекторлар, ҳайкалтарошлар ва рассомлар кенг доираларини жалб қилди. Барча иттифоқчи республикалардан ҳозирдаёқ 750 тадан кўпроқ проект ва таклифлар тушди. Украина архитекторлари ва ҳайкалторошлари 80 тадан кўпроқ проект юбордилар.

Пойтахтга Украинадан ва бошқа қардош республикалардан кўп меҳмонлар келмоқда.

Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги муносабати блан меҳнаткашлар депутатлари Москва Советининг партия, жамоат ташкилотлари ва Совет Армияси вакиллари блан биргаликда тантанали мажлиси бўлади.

Москвалилар шонли кунни нишонлаганлари ҳолда, Коммунистик партия раҳбарлиги остида коммунизм сари бораётган совет Ватани қудратини янада ошириш ва мустаҳкамлашга ўз ижодий ғайратларини қаратмоқдалар.

(ТАСС).

СССР Олий Совети Президиумида

СССР Олий Совети Президиуми алоқа ходимларининг катта группасини кўпйиллик ва самарали ишлари учун СССР орден ҳамда медальлари блан мукофотлади. 4.180 киши Ленин ордени блан, қолган кишилар эса СССР нинг бошқа орден ва медальлари блан мукофотландилар.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 20 МАЙГАЧА БЎЛГАН

М А ' Л У М О Т

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Ягана	Культивация		Чопиқ		Суғориш
		I	II	I	II	
Оққўрғон	88,6	98,0	22,3	53,2	0,8	37,4
Оҳангарон	44,4	61,0	5,0	30,5	—	41,4
Бекобод	72,5	75,2	5,2	36,7	—	11,6
Бўка	71,4	69,3	—	32,7	—	6,0
Верхне-волинск	79,0	89,8	4,4	40,2	—	6,5
Юқорячирчиқ	61,7	92,3	22,9	42,3	2,9	18,3
Гулистон	89,2	86,5	23,4	40,0	—	14,8
Калинин	94,0	100,0	64,0	70,0	5,3	60,0
Мирзачўл	80,4	99,3	9,4	38,3	—	6,0
Октябрь	60,0	77,6	16,9	37,0	—	22,3
Орконикидзе	87,2	100,0	100,0	69,0	1,2	51,8
Паркент	—	13,0	—	10,2	—	24,0
Пискент	50,8	53,8	9,0	25,0	—	16,6
Ўртачирчиқ	66,8	84,5	17,9	39,3	—	15,1
Сирдар'ё	96,2	95,5	23,7	57,5	—	10,7
Ўртасарой	50,4	83,6	28,7	44,0	—	8,0
Ҳовос	72,0	58,0	—	17,0	—	22,3
Чиноз	81,0	96,0	62,5	63,0	1,0	21,4
Янгийўл	70,8	92,6	29,2	49,3	3,5	0,3

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 20 МАЙГАЧА БЎЛГАН

М А ' Л У М О Т

(процент ҳисоби блан)

Совхозлар	Ягана	Биринчи чопиқ	Культивация			Суғориш
			I	II	III	
1-нчи Далварзин	100,0	62,7	92,5	70,6	15,6	28,4
2-нчи Далварзин	91,6	25,1	94,2	18,5	—	48,8
3-нчи Далварзин	97,8	59,8	100,0	16,6	0,6	41,1
1-нчи Боёвут	80,7	30,1	88,5	14,7	—	10,2
2-нчи Боёвут	56,2	48,0	63,9	4,2	—	22,5
3-нчи Боёвут	68,5	33,4	69,9	4,7	—	13,3
4-нчи Боёвут	47,0	24,5	40,5	—	—	28,4
«ЎзССР бешйиллиги»	67,3	63,3	100,0	84,8	—	38,4
16-нчи совхоз	94,6	30,4	97,2	18,6	—	33,9
17-нчи совхоз	76,9	27,3	79,5	18,9	—	29,5
Малик	100,0	51,4	100,0	51,5	—	1,1
Совхозлар бўйича ҳаммаси:	76,3	41,2	81,3	26,2	1,3	27,1

Халқлар дўстлиги байрами

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари шонли тарихий кунни — Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини хурсандчилик блан нишонламоқдалар.

Шаҳар кўчалари ва майдонлари байрамдагидек чиройлик қилиб безатилган. Ҳамма жойда СССР Давлат байроқлари ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари ҳилпирайди. Кўчаларга, биноларнинг саҳнига ўрнатилган транспарантларда оташин чақириқ сўзлари ёзилган:

«Яшасин мамлакатимиз халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик — кўпмиллатли социалистик давлат кучи ва қудратининг манбаи!».

«Яшасин ва мустаҳкамлансин украин ва рус халқларининг, Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг бузилмас абадий дўстлиги — қардош совет республикалари миллий мустақиллиги ва эркинлиги, миллий маданияти равноқи ва яйраб-яшнашининг гарови!».

«Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқининг улуғ раҳбар ва етакчи кучи бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!»

Маданият ва истироҳат парклари улуғ Ватанимиз халқларининг бузилмас дўстлигини, Украина ва бошқа республикалар халқларининг экономикаси ва маданияти совет ҳокимияти йилларида мисли-сиз даражада барқ уриб яшнаганини ифодалайдиган бадиий паннолар қўйилган. Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида коммунизм улуғвор биносини ишонч блан қураётган совет кишилари бузилмас бирлигининг символи сифатида 16 иттифоқчи республиканинг гербларн қуёш нурларида порлайди.

Шу кунларда шаҳар корхоналарида, муассасаларида ва ўқув юртларида Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишланган тантанали кечалар ва йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Мингларча кишилар Навоий номидаги Ўзбекистон давлат халқ кутубхонасида, ишчи клубларида ва Маданият саройларида очилган виставкаларни бориб кўрмоқдалар.

Шонли кун шарафига шаҳарнинг барча паркларида оммавий халқ сайиллари ўтказилмоқда. (ЎзТАГ).

Пойтахтимиз янада обод ва кўркам бўлади

Қурилиш ташкилотлари ва Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Тошкентдаги корхоналари коллективларининг шаҳар йиғилиши

Яқинда Свердлов номли концерт залида шаҳардаги қурилиш ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Тошкентдаги корхоналари ходимларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ П. Федотов «Тошкент шаҳрида уй-жой ва маданий-маиший қурилиш ишларининг борыши» ҳақида доклад қилди.

— Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати, — деди докладчи, — мамлакатимиз меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини ва маданий ҳаётини янада яхшилашга ҳамавақт эътибор бериб келмоқдалар. Совет Иттифоқи Министрлар Совети ҳамда КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари халқимизнинг моддий-маиший аҳволини янада яхшилашга қаратилган муҳим қарорларни қабул қилди. Яқинда бўлиб ўтган СССР Олий Совети сессиясида 1954 йил учун қабул қилинган Давлат бюджетининг жуда катта қисми совет халқининг тинчлик ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун сарфланади.

Ўзбекистон республикасининг пойтахти Тошкент кун сайин ўсмоқда, обод ва кўркам бўлмоқда. Шаҳарда турли хил қурилиш тармоқлари борган сари ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Иттифоқ Ҳукумати бу жуда катта қурилиш ишларини янада кенгайтиришга алоҳида аҳамият бериб, йил сайин кўплаб маблағ ажратмоқда. Шу йилнинг ўзидагина шаҳарда қурилиш масштабини кенгайтириш мақсадида қўшимча равишда 20 миллион сўм ажратилди. 1955 йилда фақат уй-жой қурилиши учун 200 миллион сўм ажратилади. Бу рақам 1953 йилдагига қараганда икки баравар кўпдир.

Шаҳардаги қурилиш ташкилотларининг айрим участкалари коллективи, — деди сўзида давом этиб ўртоқ Федотов, — ўз ишларида бирмунча муваффақиятларга эришган бўлсалар ҳам, аммо, умуман олганда шаҳардаги бинокорлик ишларининг ҳозирги темпи мутлақо қониқарсиздир. Қурилиш ташкилотларининг коллективлари бинокорлик ишлари учун давлат томонидан ажратилаётган маблағлардан ўз вақтида унумли фойдаланаолмаётирлар. Айниқса шаҳардаги «Узпромстрой», «Ташгорстрой» трести ҳамда Тошкент тўқимачилик комбинати, экскаватор, чинни заводлари, мебель фабрикаси, САГУ, юридик институти ва республика Соғлиқни сақлаш, Социал та'минот министрликларидаги қурилиш ташкилотлари ўз планларини бажармай келмоқдалар. Бу ташкилот раҳбарлари ўтган йилдаги иш якунларидан ўзларига тегишли хулосани чиқариб олмаганларидан бу йил ҳам ёмон ишламоқдалар

Қилинган ишларнинг анализи шуни кўрсатадики, бинокорлик ишларининг ўз муддатида бажарилмай, кечикиб кетаётганлигига асосий сабаб — қурилиш ташкилотлари бир ме'ёрда ишламаётирлар. Қурилиш участкалари ва об'ектларида ҳафталик ва кундалик иш графикларининг бузилиши бизнинг иш услубимизга ёт бўлган штурмчиликка олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида ишнинг сифатига ёмон та'сир қилмоқда. Бундай аҳвол шаҳардаги 32-нчи қурилиш трестига қарашли 701 УНР (бошлиғи ўртоқ Вачьянц), «Ташсельмаш», «Электрокабель» заводлари ҳамда «Средазгидрострой»га қарашли қурилиш участкаларида ҳам юз бермоқда. Бинокорлик ишларининг ҳаддан ташқари судралиб кетаётганига яна бир сабаб шундан, қурилиш об'ектларида ҳали ҳам эски метод блан иш олиб борилмоқда, механизмлардан, техникадан фойдаланиш гоят қониқарсиз аҳводдa, кўпгина жойларда меҳнат ёмон ташкил этилган.

Докладдан сўнг музокараларга чиқан 3-нчи гишт заводи бошқармаси директори Қўқонбоев, 5-нчи гишт заводининг старший качегари Мирзаев, «Ташгорстрой»нинг бошлиғи Скребню ва бошқа ўртоқлар ўз сўзларида шуни та'кидлаб кўрсатдиларки, қурилиш участкаларида бинокорлик ишларининг судралишига — қурилиш материаллари ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларининг ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги сабаб бўлмоқда. Республика Бинокорлик саноати министрлиги кўпинча қурилиш участкаларига сифатсиз маҳсулотлар юбормоқда. Бу эса ўз навбатида қурилиш об'ектларининг сифатига ёмон та'сир қилмоқда. Илғор ишчиларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, иш графиклари ҳартомонлама ўйланиб, пухта тузилса ҳамда механизмлардан унумли фойдаланиб, қурилиш ишларида индустриал методдан кенг фойдаланилса, об'ектлардаги бинокорлик ишларини ўз вақтида тамомлаш мумкин. Аммо қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари новатор-ишчилардан Қосимов, Тимошенко, Лишев, Мирзаев каби ўртоқларнинг бой тажрибаларини оммалаштириш ишига шу вақтгача жиддий э'тибор бермай келаётирлар.

Шунингдек, қурилиш масалаларига доир муҳим проблемаларни муваффақиятли ҳал қилишда ва ишимиздаги камчиликларни тезда тугатишда катта ёрдам берадиган ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг ишлабчиқариш конференцияларининг вақти-вақти блан ўтказиб турилишига аҳамият берилмаётир. Шаҳардаги район ижроия комитетлари жойлардаги бинокорлик ишларини иккинчи даражали иш деб қараб, қурилиш ишларига қониқарсиз раҳбарлик қилмоқдалар.

Йиғилиш қатнашчилари бинокорлик ишларининг сифатини яхшилаш ва қурилиш сур'атларини тезлатишга доир муҳим тадбир ҳамда чораларни ишлаб чиқдилар.

Йиғилиш охирида Республика Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Тошкентдаги корхоналари коллективлари ҳамда шаҳардаги қурилиш ташкилотлари ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимларининг 1954 йил учун социалистик мажбуриятларни ўқиб эшитдирилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама этилиб, қабул қилинди.

П. П. Беньков номидаги Тошкент бадиий ўқув юртининг V курс студентлари ўқитучи Л. Лунев блан диплом эскизларини муҳокама қилмоқдалар.

О. Апухтин фотоси.

КИНО

„УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ“

Тошкент бадиий ва ҳужжатли фильмлар киностудияси яқинда баҳор байрами — 1 Майга бағишлаб бир бўлимдан иборат «Умумхалқ байрами» номли махсус кино-журнал ишлаб чиқарди. Картина ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларига таржима қилиниб, республикамизнинг область, район, колхоз ва совхозларига юборилди. Кино-журналда республикамизнинг пойтахти Тошкент, шунингдек Андижон ва Самарқанд областьларида 1 Май байрамининг қандай катта кўтаринки руҳ ва тантана блан ўтаётганлиги тасвирланади. Картинанинг биринчи кўринуши мана бундай бошланади:

Кўркам баҳор. У бизнинг боғларимиз ва водиларимизга ажойиб безак бериб турипти. Дарахтлар ранг-баранг гуллар блан товланмоқда. Ана шу кунларда республикамизнинг ишчи, колхозчи ва инженер-техник ходимлари янада зўр ғайрат блан ишладилар. Мана «Ташсельмаш» заводининг кенг ва муҳташам цехлари бирин-кетин кўринмоқда. Завод коллективи ғайрат ва фидокорлик блан меҳнат қилиб, улуғ байрам шарафига бошланган социалистик мусобақани кун сайин кучайтириб, 4 ойлик программани юқори кўрсаткичлар блан бажаришга муваффақ бўлди.

Кино-журналда Тошкент тўқимачилик комбинатининг ҳаёти ҳам тасвирланади. Бу ердаги кўпгина илғор цехлар баҳор байрами — 1 Май шарафига бошланган социалистик мусобақада олган мажбуриятларини шараф блан бажардилар. Мамлакатга пландан ташқари, неча юз минг метрлаб қўшимча газлама бердилар. Шунингдек, картинада Тошкентдаги кўпгина илғор саноат корхоналарининг ҳаммага намуна бўладиган муваффақиятли ишлари кўрсатилади.

Мана Тошкент меҳнаткашлари Май байрами колонналарига тўпланмоқдалар. Ҳамманинг юраги чексиз шодлик ва қувонч блан тўлиб-тошган. Худди ана шу пайтда Қизил Майдонда ҳарбий қисмларнинг паради бошланади. Совет Армиясининг жангчилари саф тортиб майдондан ўтар эканлар, ўзларининг юксак жанговарлик маҳоратларини, тинчлик ва жонажон Ватанимизнинг хавфсизлигини ишончли қўриқлаш йилларида ҳам қардош халқларга йўлбошчилик қилиб, уларни ғалабадан-ғалабага етаклаб борганини та'кидлайди. Шоир украин халқининг улуғ оғаси — рус халқига бўлган битмас-туганмас меҳр-муҳаббати, садоқатини, миннатдорчилигини бадиий жиҳатдан пухта, равон ва жўшқин мисра'ларда ифодалайди. «Учюз йил» ше'ри қардошлар оиласида — икки буюк халқнинг — рус ва украин халқларининг абадий бузилмас дўстлигига шоир томонидан айтилган ажойиб мадҳиядир.

Тўпламдаги «Император», «Василь Фомич», «Капитан» ше'рларида меҳнат шон-шараф, мардлик ва қаҳрамонлик ишига айланган бизнинг мамлакатимизда шавқ-аввқ блан меҳнат қилаётган совет кишиларининг порлоқ образи яққол гавдаланади. Бизда касбнинг фарқи, яхши-ёмони йўқ, ҳаммаси ҳам қадрли, иззат-ҳурматга сазовордир. Донгдор тракторист Олекса Беда («Император» ше'рида), жасур шофер Василь Фомич ва «Капитан» ше'ридаги қомбайнчилар — ҳаммаси ўз касбини жондан севади, уларнинг ҳар-қайсиси ўз касби блан коммунизм ишига ма'лум ҳисса қўшади. Шунинг учун ҳам тўлқиниланиб турган бепоён бугдой денгизи бўйлаб комбайнни ҳайдаб бораётган комбайнчини денгизда сузиб бораётган кема капитанига ўхшатилиши бечиз эмас. «Дипломат» ше'ри тўпламдаги ўткир сиёсий, ҳажвий ше'рларнинг бири. Бунда «Пятилетка» колхозининг Гнат исмли илғор бригадириникига унинг тажрибасини ўрганиш учун Америка дипломати келади. Дастлаб у Гнатдан: Америкада кўпчилик деҳқон оммаси, фермерлар танҳо яшайди, хўжайинларнинг қули. Ундай ерда колхозчиликнинг юқори ҳосил етиштиришдаги тажрибаси иш бермайди деган гапларни эшитади. Сўнг бригадир блан ўтириб «Америка овози» радиосини тинглайди. Америка радиоси «Совет мамлакатида дон ҳосили бўлмади, ҳаммасини дўл қоқиб, чигиртка еб кетди» деб вайсайди. Шу вақт дипломат олдидаги ниги ёпилган бугдой нонинг бўғи чиқиб турарди. «Украинанинг ҳамма дар'ёларида балиқ қуриб битди» дерди диктор. Уй эгаси эса қовурилган балиқ келтириб қўяди. Дикторнинг «Украинада электр йўқ» деган гапи электр қурилмасидан кўзи қамашиб ўтирган дипломатга айниқса кулгили бўлади. «Украина йигит-қизлари энди қўшиқ айтмайдилар» дейди диктор, ташқарида эса йигит-қизлар айтган ашулаларнинг шўх жаранги кўтарилади. Ўз мамлакати радиосининг бўҳтонларидан қизариб, лавлаги бўлган дипломат қочиб қолади. Содда ёзилган, сиёсий публицистиканинг ажойиб намунаси бўлган бу ше'рда шоир контраст методини қўллаб ше'рнинг фош қилучи аҳамиятини янада оширган, совет тузумининг капиталистик тузумдан афзаллигини Украина меҳнаткашларининг фаровон ҳаётини кўрсатиш орқали бадиий бўёқларда усталик блан ифода этган.

С. Олейник «Қизгина», «Ноёб Мацепура», «Қимматли ҳоним», «Дубовкадан Сосновкагача» ва «Бўйруқ бўлгани йўқ» ше'рларида бўйруқ, кўрсатма йўқ, деб барча ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйган қоғозбозларни; кичик иш қилиб қўйиб, ўзини катта олучи, мақтанчоқ, кеккайган кишиларни; ўз манфаати олдида жамият манфаатини қурбон қилишга тайёр турган бюрократларни; министрлик берган машинани хотини ихтиёрига топшириб, мажлисга ўзи яёв югурган министрларни; қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчиликнинг юзидан ўтолмай, қўлидан ҳеч қанақа иш келмайдиган кишиларни раҳбарлик лавозимига кўтараётган бошлиқларни сатира қамчиси блан савалайди.

Степан Олейникнинг «Ше'рлар» тўплами кўпмиллатли совет китобхонларини унинг ижоди блан таништиришда муҳим роль ўйнайди.

В. АБДУЛЛАЕВ.

СОЦИАЛИСТИК ЧИРЧИҚДА

ИШЧИЛАР ЯХШИ ДАМ ОЛМОҚДАЛАР

Сталин номли электрохимия комбинатининг касаба союз комитети ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг ёз мавсумида маданий дам олишларига алоҳида э'тибор бермоқда. Бу йил 4 ой ичида 70 киши курорт ва санаторияларда, 191 киши дам олиш уйларида бўлди. Шулардан электрик В. Д. Бикова Ўш санаториясида, лаборант А. В. Салманова Есентуки курортида, мастер Д. С. Кушкарёв Ялта санаториясида бўлиб, яхши дам олиб қайтдилар.

Май ойида яна 26 киши курорт, санатория ва дам олиш уйларига жўнаб кетдилар.

СЕВИМЛИ КУТУБХОНА

Комбинат ишчилари, инженер-техник ходимларининг техникавий, сиёсий ва бадиий адабиётга нисбатан ўсиб бораётган талабларига биноан, бу ердаги кутубхонанинг китоб фонди ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳозир кутубхона 22 минг китоб ва биряримингга яқин доимий китобхонга эга.

Кутубхонанинг доимий ўқучиларидан медицина ходими М. Ҳамзакиева, инженер Нўлдош Азизов, ёрдамчи механик В. Матроннилар йил бошидан буён 35—50 тадан турли адабиётлар ўқидилар. Аппаратчи ўртоқ Ниёзмўтдинов электр пайвандига доир адабиётларни ўқиб, ўз малакасини оширмоқда. Натижада у иш процессида бирмунча қулайликка эришди.

Кутубхона 65 тага яқин ҳархил журнал ва газеталар олиб туради.

БОЛАЛАР УЙИДА ИМЕНИНИК

Яқинда шаҳардаги болалар уйида тарбияланиб, қувноқ ҳаёт кечираётган 12 боланинг туғилган куни муносабати блан именина кечаси ўтказилди.

Кечага электрохимия комбинатининг ишчилари ва шаҳар комсомол комитетининг раҳбарлари меҳмон бўлиб келдилар.

Именниклардан Г. Жумалдинова, Б. Ўрунов, Л. Давидова, Ш. Ил'ёсова, 4 ёшли Гала Ливицкая ва бошқаларга болалар уйининг директори ўртоқ Голованов совғалар тақдим қилди. Болалар бахтли ҳаёт учун Коммунистик партия ва Совет давлатига миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Т. ЎРУНОВ, Ж. САРИЕВ.

Социалистик мусобақа асосида ишламоқдалар

Бекобод пахта тозалаш заводининг меҳнатсевар ишчи ва хизматчилари, инженер-техник ходимлари ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириб, апрель ойи ишлабчиқариш планини ҳамма кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари ошириб бажардилар. Заводнинг П. Ким бошлиқ 2-нчи бригада коллективи фидокорона меҳнат қилиб, апрель ойи планини заводда биринчи бўлиб бажарди ва пландан ташқари 35 тонна пахта момиғи тайёрлаб берди. Бу бригада блан мусобақадош ўртоқ Э. Мемедляев раҳбарлик қилаётган 3-нчи бригада а'золари ҳам юксак натижаларни қўлга киритдилар. Бу бригада пландан ташқари 21 тонна пахта момиғи тайёрлашга муваффақ бўлди.

Ҳозирги кунда заводнинг ҳамма смена ва цехларида иш ана шундай унумли олиб борилмоқда. Май ойининг биринчи 10 кунлигида 1-нчи бригада а'зоси — момиқ ажратучи ўртоқ Сулаймонова кундалик нормасини 280 процентгача етказиб адо этди. Шунингдек 3-нчи бригаданинг тола ажратучиси Ш. Денибекирова, бош трамбовчик М. Лавут, пахта ортучи Сатторова ўртоқлар ҳам ўз нормаларини 125—150 процентдан адо этмоқдалар.

Завод коллективи шу кунларда май ойи планини 150 процент бажариш ва давлатга пландан ташқари бирнеча минг килограмм момиқ ва пахта толаси етказиб бериш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

А. САТТОРОВ.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

Оммадан ажралиб қолган газета

Охунбобоев номли колхознинг Тешабой Жўраев бошлиқ бригадасида СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида» деб чиқарган қарори кенг муҳокама қилингач, бригада а'золари экин майдонини кенгайтириш, маҳаллий ўғит ташиб чиқаришни кучайтириш, ҳосилни ошириш юзасидан конкрет мажбурият олдилар. Шу бригада блан мусобақадош бўлган Исоқ Маҳмудов бошлиқ бригаданинг а'золари ҳам кўкламги экишни шайланиб кутиб олишда ўз мусобақадошларидан қолишмаслик ҳақида сўз бердилар.

Бўка район «Сталин байроғи» газетаси февраль ойининг охирги сонида бу «Илғорларга тенглашингиз!» деган сарлавҳа остида хабер берди. Катта ўринни эгаллаган бу хабарни редакция КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорини ва партия, ҳукуматимизнинг «Ўзбекистон ССРда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорини бажариш учун илғорларга тенглашингиз!» деган чақириқлар блан тугаллади.

Юқоридаги материал э'лон қилинганига иккиярим ойдан ортиқ вақт ўтди. Бироқ, Жўраев, Маҳмудов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда шундан бери қандай ишлар қилинганлиги ёки уларнинг мусобақа шартларини қандай бажараётганликлари ҳақида газета бирорта хабар босмади. Икки мусобақадошнинг ташаббусини газета охиригача қўллаб-қувватламади ва уларнинг тажрибаларини оммалаштиришни унутиб юборди,

«Сталин байроғи» газетасининг ишидаги жиддий камчилик бугина эмас. Умуман газета илғорлар тажрибасини кенг пропагандаси ва унга қечаман амалий маслаҳат бермайдиган қуриқ ва гализ сўзлардан иборат бўлган юқоридагидек хабарларни босиб чиқармоқда.

Сон-саноқсиз стилистик ва орфографик хатоларни ҳисобга олмаганда ҳам газетанинг шу биринчи Май сонидаги Ашула байрамига тайёрлик ҳақидаги, ипакчилик тўғрисидаги хабарлари ва бошмақоласининг ҳаммаси редактор ўртоқ Солихов томонидан ёзилганига қарамай уларнинг бирортаси ҳам қизиқарли эмас.

Газетада танқидий материаллар босиш уёқда турсин, ҳатто маҳаллий партия, совет, комсомол ташкилотларининг иши ҳам ёритилмаётир.

Редакция ходимлари ҳамма темани ҳам бир қолипда ёзишга одатланиб қолдилар. Ба'зан онда-сонда келган хабарларни ҳатто таҳрир қилмай босиб чиқараверадилар.

Редакция ходимлари, колхоз, МТС-ларда, мактаб ва ташкилотларда кам бўладилар, бўлганда ҳам ишлабчиқариш илғорлари блан учрашмайдилар, улар блан маслаҳатлашмайдилар, ҳаётни чуқур ўрганмайдилар. Газетада районнинг ҳаёти ҳартомонлама ёритилмаётир.

Редакция активлар блан ишлашни унутиб қўйган. Фақат кенг активлар оммасига суянган ҳолда газетани жонли, қизиқарли ва шу кунинг талабига жавоб берадиган қилиб чиқариш мумкин.

Бўка район партия комитети ва биринчи галда унинг секретари ўртоқ Аҳмедов район газетасининг оператив ва мазмунли бўлиши учун унинг иши блан системали шуғулланиши зарур.

— Колхозлаги илғор кишиларнинг номини айтиб беринг...

Ана, иш тамом. Газетанинг вақтли редактори ўртоқ М. Солихов телефондан олган материалларни пала-партиш ёзадида, сводкага асосан сўзлаб берган ўртоқларнинг имзосини қўйиб чиқараверади. Газета Вильямс номли колхозлаги 2 бригада ҳақида:

«Бригада а'золари ғўза парваришини қизитиб юбордилар. Ғўзани культивация қилиш бу бригадаларда трактор блан ўтказилмоқда. Универсалист Ўтал Усмонов ўз трактори блан нормасини ошириб бажармоқда».

Газетанинг шу йил биринчи Май сонида «Ленинобод» колхозидан ёзилган хабар ҳам шунга ўхшаш умумий гаплардан иборат:

«Колхознинг 270 гектар ерндаги чигит текис униб чиқиб қўмқўк майса бўлиб қолган. Айниқса Аҳмад Нўлдошев, Турсунали Қурбонов ва Панжиевлар раҳбарлик қилаётган бригадалар олдинда бормоқда».

Газета шу сонда «Коммунизм» колхози ҳақида бундай дейди:

«Ҳозир колхозни кўпчилик айниқса Эшбури Раҳимов, Холдор Қўчқоров, Умар Нурматов бошлиқ бригадаларида дастлабки парвариш, культивация ва 1-нчи чопиқ қучайиб бунда Норой Сафарова Турдихон Тўлабоева Шоўлат Маматов ўртоқлар ғўзани 1-нчи чопигида кундалик ўз нормаларини 150 — 170 процентга етказиб бажармоқдалар».

Газета бу илғорларнинг ғўза парваришидаги қўлга киритаётган ютуқларининг асосий сабаблари ва уларни илғор иш тажрибаларинг моҳиятини атрофлича очиб бериш ўрнига ўқучини қизиқтирмайдиган ва ўнга қечаман амалий маслаҳат бермайдиган қуриқ ва гализ сўзлардан иборат бўлган юқоридагидек хабарларни босиб чиқармоқда.

Босилмаган хабарлар изидан

Редакциямизга келган бир хатда Октябрь район совет-колхоз бозоридаги «Ташхлебторг»нинг 28-нчи магазинида совет савдо қоидалари бузилаётгани, магазин устидан ҳеч кандай назорат қилинмаслиги, ноннинг ўз вақтида келтирилмаслиги ва бошқа камчиликлар кўрсатилган эди. Фактларни аниқлаш ва чора кўриш учун хат Тошкент шаҳар Октябрь район ижроия комитетига юборилган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Октябрь район Совети ижроия комитетининг савдо бўлими хат юзасидан текшириш ўтказганда, унда кўрсатилган фактлар тасдиқланган. Магазин мол сотучиси Саидикромов «Ташхлебторг»нинг буйруғидан ўтмаган санитар книжкаси бўлмаган синглиси Тўхта Саидикромовани ўз ўрнига қўйган. Саидикромова 95 тийинлик гижда нонни 1 сўмдан сотган, айрим харидорларга қайтариши лозим бўлган тангани бермай келган.

Октябрь район савдо бўлими совет савдо қоидасини бузган 28-нчи магазин ходимлари Саидикромов ва Нурмуҳамедовларга ма'мурий чора кўриши «Ташхлебторг»дан сўраган.

УКРАИНА ШОИРЛАРИНИНГ ЯНГИ КИТОБЛАРИ

Дўстлик илҳомлари

Дўстлик ва қардошлик темаси совет адабиётида жуда катта ўрин олган. Ҳар бир совет ёзучисининг ижоди Совет Иттифоқи халқларининг мустаҳкам дўстлиги, ҳамкорлиги ва бир-бирига бўлган муҳаббати мотивлари блан тўлиб-тошгандир. Пушкин, Лермонтов, Шевченколарнинг ораулари амалга ошган бизнинг мамлакатимизда халқларнинг аҳиллиги, биродарлиги ленинча-сталинча доно миллий сиёсат натижасида янада мустаҳкамланди.

Совет Украинасининг отоқли шоири, Сталин мукофоти лауреати Максим Рильскийнинг совет китобхонларига яқинда тақдим этган «Учюз йил» ше'рлар тўпламига кирган ше'рларда (Максим Рильский, «Триста дет», «Правда» нашриёти, «Огонёк» кутубхонаси, № 2, 1954 йил), ана шу дўстлик мотивлари пафос блан куйланади.

Бу китобдаги ше'рлар совет халқларининг бузилмас дўстлиги ва коммунизм ғалабасига бўлган чексиз ишонч туйғулари блан суғорилган. Шоир публицистик ва лирик ше'рларида зўр бадиий куч ва маҳорат блан Украинанинг мустақилликка эришувида улуғ рус халқининг биродарлик ёрдамини ва унинг халоскорликдан иборат тарихий ролини кўрсатиб беришга интилган ва бу шарафли вазифа тўла бажарилган. Тўпламдаги ҳарбир ше'р, ўзининг ғоявий ўткирлиги, бадиий пухта, содда ва гўзаллиги блан китобхонни ўзига жалб қилади.

Шоир «Учюз йил» сарлавҳали ше'рида ўз халқининг озодлик учун асрлар давомида олиб борган курашини ва «қоронғулик орасидан казаклар Сечининг кўзи Москвага тушиб қолган»лигини ва рус халқи ўзининг ёрдам қўлини чўзганлигини куйлайди. У, Украина устига кўнган «фашист кечасидан» қутилишда ҳам қардош рус халқининг кўрсатган ёрдамини улуғлайди. Совет ватанпарварлиги руҳи блан суғорилган бу ше'р улуғ рус халқининг кетидан «саф тортиб аҳиллик блан олга кетаётган» барча совет халқларига ҳам қаратилган.

Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқининг гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борган қаҳрамонона кураши М. Рильский ижодида алоҳида ўрин тутади. Тўпламга кирган «Богдан ҳайкали» (1942), «Переяслав Радаси» (1944) ше'ри шу даврнинг маҳсулларидир. Шоир Украинанинг тақдири ҳал қилинаётган бир пайтда тарихга мурожаат қилади ва ўз Ватанининг озодлиги, мустақиллиги учун курашган улуғ саркарда Богдан Хмельницкий образини усталик блан яратади. Бу блан у халқини ёвуз душманга қарши курашда ғалабага илҳомлантиради.

Шоир совет халқининг уруш йилларидаги қаҳрамонликларини ва улуғ дўстлик соҳасида эришган ғалабаларини ҳарбир ше'рида қайд қилиб ўтади. «Ленинград», «Сталинград», «Қаҳрамонинг қабри ёнида» каби ше'рлар фикримизнинг жонли гувоҳи бўлаолади. Шоир «Сталинград» ше'рида бобо блан қилган суҳбати орқали қаҳрамон Сталинград шаҳридаги қонли курашлар, совет халқининг енгилмас кучи ва иродасини куйлайди.

М. Рильскийнинг Улуғ Ватан урушидан кейинги даврларда ёзилган ше'рларидан тўпламга кирган намуналарда Ватанимиз ҳаётининг ҳамма томонларининг кенг тасвирланиши ҳам диққатга сазовордир. Бу ше'рларда урушдан сўнгги бешйилликлар асосида гуллаган Украина, совет кишиларининг олижаноб фазилатлари, уларнинг бир-бирига бўлган самимий муносабатлари зўр бадиий маҳорат блан лирик мисра'ларда содда ифодаланган. («Пойтахт» ше'ри).

Барча совет кишилари ва бутун прогрессив инсоният ўз тақдирини Москва блан чамбарчас боғлаган. Шоир улар номидан жонажон Москвани, шонли партиямизни улуғлайди.

Шоирнинг «Янги Каховка», «Днепрогэс», «Халқлар юраги» каби ше'рларида ҳам Ватанимиз ҳаётининг ҳарбир соҳасида ўзининг таланти, бутун қуч-қуввати блан катта ишлар қилаётган совет кишиларини улуғлаш, уларнинг Ватанга бўлган чексиз севгиси ва мустаҳкам дўстликларини куйлаш — асосий ўринни эгаллайди.

Тонг шошар сочишга заррин нурини
Яшарган Киевим, шаҳрим устига,
Россия, шу дамда ўйлайман сени,
Чунки сен ухшайсан тонгнинг ҳуснига.

Буюк мўжизалар яралган буқун,
Ҳаммаёқ яшарган, гўзал элимиз.
Курашда, ҳаётда, ижодда бутун
Юлдузли Кремльдан та'лим оламиз.
Москва! Халқларнинг азиз қалбисан,
Сенда партиянинг ҳақиқати бор!
Узоқ асрларга очиқ дарвозанг,
Сен тинчлик қўрғони, маҳкам, улуғвор.

«Халқлар юраги»

Отоқли шоир М. Рильскийнинг «Учюз йил» номли ше'рлар тўплами СССР қардош халқлар адабиёти хазинасидан ўзига муносиб ўринни эгаллайди.

У. УМАРБЕКОВ.

Сатирик шоирнинг ше'рлари

Совет китобхонларига ўзининг ҳажвий, юмористик ше'рлари блан манзур бўлган украинали сатирик-шоир Степан Иванович Олейник 1950 йилда «Танишларимиз» ше'рлар тўплами учун Сталин мукофотига сазовор бўлган.

С. Олейникнинг яқинда нашр этилган «Ше'рлар» тўплами («Правда» нашриёти, «Огонёк» кутубхонаси. № 11, 1954 йил) шоирнинг турли вақтда ёзган ранг-баранг темалардаги 13 ше'рини ўз ичига олади.

Тўплам «Учюз йил» ше'ри блан очилади. Бунда шоир:

Тўсиқларни енгиб елкама-елка
Қондош бирдамликни кўриқлаб ҳар
он,
Биздар улуғ Рада кунидан буён
Шу кунгача келдик у блан бирга.
Биз қўлга-қўл бериб борамиз бирга
Жаҳонда тенги йўқ жонажон дўстмиз,
Ажралмас қондошмиз оға руслар-ла

Биздар учюз йиллик қадрдон дўстмиз
Бу баид бутун ше'рнинг ғоявий йўналишини яққол акс этдиради. Чиндан ҳам ўша «Улуғ Рада куни»дан бошлаб украин халқи ўз тақдирини буюк рус халқи блан абадий боғлади. Икки қон-қардош халқнинг бу дўстлиги 300 йил давомида жуда кўп синовлар ўтида чиниқди, тобланди, тобора мустаҳкамланиб борди. Шунинг учун шоир «Дун'ёда бу дўстликдан кўра мустаҳкамроқ дўстлик йўқ» дейишда тамомила ҳақлидир.

С. Олейник Иттифоқимиздаги барча қардош халқларнинг оғаси рус халқини улуғлайди, унинг уруш йилларида ҳам, тинч ижодий қурилиш йилларида ҳам қардош халқларга йўлбошчилик қилиб, уларни ғалабадан-ғалабага етаклаб борганини та'кидлайди. Шоир украин халқининг улуғ оғаси — рус халқига бўлган битмас-туганмас меҳр-муҳаббати, садоқатини, миннатдорчилигини бадиий жиҳатдан пухта, равон ва жўшқин мисра'ларда ифодалайди. «Учюз йил» ше'ри қардошлар оиласида — икки буюк халқнинг — рус ва украин халқларининг абадий бузилмас дўстлигига шоир томонидан айтилган ажойиб мадҳиядир.

Тўпламдаги «Император», «Василь Фомич», «Капитан» ше'рларида меҳнат шон-шараф, мардлик ва қаҳрамонлик ишига айланган бизнинг мамлакатимизда шавқ-аввқ блан меҳнат қилаётган совет кишиларининг порлоқ образи яққол гавдаланади. Бизда касбнинг фарқи, яхши-ёмони йўқ, ҳаммаси ҳам қадрли, иззат-ҳурматга сазовордир. Донгдор тракторист Олекса Беда («Император» ше'рида), жасур шофер Василь Фомич ва «Капитан» ше'ридаги қомбайнчилар — ҳаммаси ўз касбини жондан севади, уларнинг ҳар-қайсиси ўз касби блан коммунизм ишига ма'лум ҳисса қўшади. Шунинг учун ҳам тўлқиниланиб турган бепоён бугдой денгизи бўйлаб комбайнни ҳайдаб бораётган комбайнчини денгизда сузиб бораётган кема капитанига ўхшатилиши бечиз эмас. «Дипломат» ше'ри тўпламдаги ўткир сиёсий, ҳажвий ше'рларнинг бири. Бунда «Пятилетка» колхозининг Гнат исмли илғор бригадириникига унинг тажрибасини ўрганиш учун Америка дипломати келади. Дастлаб у Гнатдан: Америкада кўпчилик деҳқон оммаси, фермерлар танҳо яшайди, хўжайинларнинг қули. Ундай ерда колхозчиликнинг юқори ҳосил етиштиришдаги тажрибаси иш бермайди деган гапларни эшитади. Сўнг бригадир блан ўтириб «Америка овози» радиосини тинглайди. Америка радиоси «Совет мамлакатида дон ҳосили бўлмади, ҳаммасини дўл қоқиб, чигиртка еб кетди» деб вайсайди. Шу вақт дипломат олдидаги ниги ёпилган бугдой нонинг бўғи чиқиб турарди. «Украинанинг ҳамма дар'ёларида балиқ қуриб битди» дерди диктор. Уй эгаси эса қовурилган балиқ келтириб қўяди. Дикторнинг «Украинада электр йўқ» деган гапи электр қурилмасидан кўзи қамашиб ўтирган дипломатга айниқса кулгили бўлади. «Украина йигит-қизлари энди қўшиқ айтмайдилар» дейди диктор, ташқарида эса йигит-қизлар айтган ашулаларнинг шўх жаранги кўтарилади. Ўз мамлакати радиосининг бўҳтонларидан қизариб, лавлаги бўлган дипломат қочиб қолади. Содда ёзилган, сиёсий публицистиканинг ажойиб намунаси бўлган бу ше'рда шоир контраст методини қўллаб ше'рнинг фош қилучи аҳамиятини янада оширган, совет тузумининг капиталистик тузумдан афзаллигини Украина меҳнаткашларининг фаровон ҳаётини кўрсатиш орқали бадиий бўёқларда усталик блан ифода этган.

С. Олейник «Қизгина», «Ноёб Мацепура», «Қимматли ҳоним», «Дубовкадан Сосновкагача» ва «Бўйруқ бўлгани йўқ» ше'рларида бўйруқ, кўрсатма йўқ, деб барча ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйган қоғозбозларни; кичик иш қилиб қўйиб, ўзини катта олучи, мақтанчоқ, кеккайган кишиларни; ўз манфаати олдида жамият манфаатини қурбон қилишга тайёр турган бюрократларни; министрлик берган машинани хотини ихтиёрига топшириб, мажлисга ўзи яёв югурган министрларни; қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчиликнинг юзидан ўтолмай, қўлидан ҳеч қанақа иш келмайдиган кишиларни раҳбарлик лавозимига кўтараётган бошлиқларни сатира қамчиси блан савалайди.

Степан Олейникнинг «Ше'рлар» тўплами кўпмиллатли совет китобхонларини унинг ижоди блан таништиришда муҳим роль ўйнайди.

В. АБДУЛЛАЕВ.

«Сенинг китобчанг»

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти Украинанинг Россия блан қайта қўшилишига 300 йил тўлиши муносабати блан ўтказилаётган умумхалқ байрамига атаб Украина Совет ёзучи ва шоирларининг бирқанча китобларини босиб чиқарди. Булар орасида украин болалар ёзучиларидан Оксана Иваненконинг «Турначанинг саёҳати», Платон Воронькoнинг «Сенинг китобчанг» тўпламлари ҳам бор.

Сталин мукофотининг лауреати шоир П. Воронькoнинг «Партизан генерали Руднев» повести (1946), «Ваҳорги момоқалдироқ» ше'рлар китоби (1947) ва бошқа янги ше'рларида халқнинг фаровон ҳаёти ва қувончини ку

Ғўзани юқори сифатли парвариш қилиб, унинг тез ривожланишини та‘минлайлик!

★

Илғор механизаторларнинг ташаббуси асосида ишламоқдалар

2-нчи Сирдар'ё МТСнинг Маленков номли колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Леонов бошлиқ трактор бригадаси ўртасаройли илғор механизаторларнинг ватанпарварлик чақириқларига қўшилиб, тракторларнинг иш унумини ошириш, ғўза қатор ораларини сифатли ишлашда яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Универсалчилардан Бейсинбой Бойменов ва Николай Журавьлевларнинг ҳарқайсиси мавсум давомида 1000 гектардан ердаги ғўзани ишлаб бериш мажбуриятини олдилар. Ишни социалистик мусобақа асосида олиб бораётган бу илғор тракторчиларнинг ҳарбири 220—240 гектардан ернинг ғўзасини сифатли қилиб культивациядан чиқардилар. Шу давр ичида Журавьлев, Бойменов ўртоқлар кўплаб ёнилғи тежаб қолдилар.

Бригаданинг бошқа тракторчилари ҳам ўз мажбуриятларини бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Р. ЗИКРИЁЕВ.

* * *

Гулистон районидаги 1-нчи МТСнинг Крупская номли колхозда хизмат қилаётган 4-нчи трактор бригадасининг универсалчилари ғўза, қатор ораларини ишлашни социалистик мусобақа асосида қизиқиб ўтмоқдалар.

Ўртасаройли илғор механизаторларнинг минг гектарчилик ташаббусига қўшилган Халил Равшанов ва Иброҳим Қурбонов сингари универсалчилар бу йил мавсумда 1200 гектардан майдондаги ғўзани юқори агротехника қоидалари асосида культивация қилиб бериш учун ўз устларига социалистик мажбурият олдилар.

Шу йилгор универсалчиларнинг ҳарбири 14—15 гектардан ердаги ғўзани юқори сифатли ишлаб, мусобақада ғолиб чиқиш учун курашмоқдалар.

Т. РЎЗИБОЕВ.

* * *

2-нчи Ховос МТСнинг трактор бригадалари ўртасаройли илғор механизаторларнинг ватанпарварлик мактубини яқдиллик блан ма'куллаб, колхозларга хизматни тобора яхшиламоқдалар.

МТСнинг Молотов номли колхозда ишлаётган ўртоқ Файзиев, Сталин номли колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Динков бошлиқ трактор бригадалари ғўза қатор ораларини ишлашда айниқса яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Шу каби райондаги Карл Маркс номли илғор колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Мурод Мўминов бошлиқ трактор бригадасининг а'золари ҳам колхозчиларнинг юқори ҳосил етиштириш соҳасидаги курашларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Универсалчилардан Худойберди Ҳатамов ва Акрам Эрматовлар ўз агрегатларидан унумли фойдаланиб, ғўза қатор ораларини ишлашда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Механизаторларнинг ўзр ғайрат блан ишлашлари колхозларда ғўза парваришини намунали ўтказилишини та'минламоқда.

З. НОСИРОВ.

Оржоникидзе районидаги Киров номли колхозда ғўза парваришн намунали олиб борилмоқда. **Суратда** (чапдан): колхознинг 4-нчи бригадасига қарашли 2-нчи звенонинг ғўзаларига тажрибали суючи ўртоқ **У. Абдураҳмонов** сув тарамоқда. (Ўнгда): 5-нчи бригада бошлиғи **М. Ҳамидова** ва 2-нчи звено бошлиғи **К. Бойжонов** ўртоқлар культивацияннинг чуқурлигини текшириб кўрмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Пахтакорларга ғамхўрлик

Калинин қишлоқ советидаги «Ҳақиқат» колхозининг а'золари бу йил Сирдар'ёнинг чап қирғоғидан 200 гектар ерни янгидан ўзлаштирдилар. Улар янги ерларда ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашмоқдалар.

Колхоз правлениеси янги ерларда фидокорона меҳнат қилаётган азамат колхозчиларга алоҳида э'тибор бериб, уларнинг унумли ишлашлари учун қулай шароитлар яратиб бермоқда. Ана шу мақсадда 50 та уй-жой биноси, чойхона ва савдо-сотиқ магазини қуриб берилди. Ҳозирги кунларда уй-жой биноларн қурилиш давом этилмоқда.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

Оққўрғон районини мўл ҳосилли районлар даражасига кўтарайлик

Оққўрғон — областимизнинг йирик пахтакор районларидан бири ҳисобланади. Бу районда иккита катта пахтакор совхоз бўлиб, булар ҳар йили кенг майдонларга чигит экадилар. Колхозлар, совхозлар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун барча имкониятларга эгадирлар. Райондаги иккита МТСнинг трактор парки йил сайин кучли тракторлар блан ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари блан мустаҳкамланмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз пахтачиликни ривожлантириш соҳасида колхозларнинг а'золарига ва совхозларнинг ишчиларига ҳартарафлама ғамхўрлик қилмоқдалар. Колхозларга йил сайин кўплаб минерал ўғитлар етказиб берилаётир. Шундай бўлишига қарамай Оққўрғон райони бирнеча йиллардан бери пахта тайёрлаш планини бажаролмай келади.

Шу нарса ачинарлики, ўтган йили районда пахта етиштириш аввалги йиллардагига нисбатан бирмунча пасайиб кетди. Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари қишлоқ хўжалик органларининг мутахассислари ана шу қолоқлиқдан чиқиш учун тегишли тадбирларни амалга оширишлари ва барча техника ва ички ресурсларни ишга солишлари керак эди. Лекин, районда ана шу ҳал қилувчи воситалардан фойдаланмаётир. Натижада чигит ўтган йилдагига нисбатан бирмунча кечикиб экилди. Бунинг устига чигитни ундириб олиш ҳам унча яхши ташкил этилмади.

Оққўрғон районида бирқанча бригадалар ва звенолар пахта тайёрлаш планини йил сайин ошириб бажараётганликлари, райондаги барча колхозларнинг ҳам мўл ҳосил етиштиришга эришишлари мумкин эканлигини кўрсатади. Сталин номли колхознинг ўртоқ У. Мусоков бошлиқ бригада а'золари фидокорона меҳнат қилиб, ҳар йили пахта тайёрлаш планларини ошириб бажармоқдалар. Ворошилов номли колхознинг Э. Норбоев, Жданов номли колхознинг Т. Отақулов ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари ҳам ана шундай юқори кўрсаткичларга эришишда зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар. Илғор бригада ва колхозларнинг а'золари 1954 йилда ҳам пахта ҳосилини ошириш йўлида намунали ишлаётирлар. Бу илғор бригада ва колхозларда ғўза парвариши агротехника қоидалари асосида, юқори сифатли ўтказилмоқда. Бу соҳада пахтакорларга механизаторлар катта ёрдам бермоқдалар.

Районда камқувват колхозларга техника ва моддий жиҳатдан ёрдам бериб бирмунча яхшиланди. Ана шундай колхозларга пахтачиликни яхши билган ва актив жамоатчилар юборилди. «Сталинобод» колхози етиштирётган ҳосили жиҳатидан районнинг камқувват колхозларидан ҳисобланар эди. Бу йил ана шу колхозга партия ташкилотини мустаҳкамлаш мақсадида тажрибали партия ходими ўртоқ Ашуров юборилди. У, шу кунларда колхоз коммунистларига бошчилик қилиб, пахтакорлар ўртасида социалистик мусобақани ҳартарафлама кучайтириб юборишга эришди. Ҳозирги кунларда «Сталинобод» колхози ғўза парваришини олиб боришда илғор колхозлар қаторига ўтиб олди.

Лекин умуман олганда районда ғўзанинг дастлабки парвариши графикда кўрсатилганидек тез сур'ат блан олиб борилмаётир. Бу эса ғўзанинг тез ривожланишини ва унинг ҳосилга эрта киришини кечиктирмоқда. Калинин номли, Навоий номли, «Ленинобод» ва бошқа бирқанча колхозларда ғўза парвариши қониқарсиз олиб борилаётир. «Ленинобод» колхозида ғўзани ягана қилиш шу вақтгача тугалланмаган. Колхоз раиси Мадрайим Юнусов бу ишда механизациянинг зўр кучига етарли э'тибор бермаётир. У пахтачиликни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган прогрессив усулларга кўп вақт тўғри муносабатда бўлмайди. Колхозда ғўзани механизация асосида яганалаш учун машиналар етарлик бўлса ҳам, бу иш ҳамон қўл блан бажарилиб, кўп майдонлардаги ғўза ривожланишдан қолдирилаётир.

Колхознинг кўпгина бригадаларида чигит экиш сифатсиз ўтказилганлиги ва қатор ораларинг бирхил кенглиқда бўлмаганлиги, ҳозирги пайтда ғўза парваришини тез сур'ат блан олиб боришга салбий та'сир кўрсатмоқда. Бозорбой Раҳмонов бошлиқ бригада а'золари бу йил гектаридан 29 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Қилинаётган иш ана шу мажбуриятни тўла бажаришга мутлақо жавоб бермайди. Колхознинг бошқа бригадаларида бўлгани каби бу бригадада ҳам ғўзалар сувдан қолдирилмоқда ва натижада улар жуда секин ривожланаётир. Н. Ҳусанов, А. Мадбобоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда меҳнат яхши ташкил этилмаган, колхозчиларнинг унумли ишлаши учун қулай шароит яратиб берилмаган. Бригаданинг ва звеноларнинг бошлиқлари колхозчиларнинг меҳнатлари тўғри ҳисобга олинмаётир. Бу ерда дала шийпонлари шу пайтгача жиҳозланмаган. Колхозчилар ишдан кейинги пайтларда маданий дам олмаётирлар.

Колхоз партия ташкилоти ва унинг секретари Аҳмаджон Халилов пахтакорлар тўғрисида мутлақо ғамхўрлик қилмай кўйган. У пахтакорлар ва механизаторлар орасида камдан-кам бўлади. Колхозчиларнинг ва тракторчиларнинг турмуш аҳволлари блан яхши танишмайди. Шуни айтиш кифояки, колхоз партия ташкилотининг секретари А. Халилов шу вақтгача колхозга кўчиб келмаган. Унинг кўп вақти Тошкентда ва район марказида ўтади.

Колхозда оммавий-агитация ишларини кучайтириб юборишга дала шийпонларини намунали қилиб безатиш учун барча имконият бор. Колхоз радио узелидан мутлақо фойдаланилмаётир. Дала шийпонлари учун ажратилган 6 та радио приёмник колхоз омборида занг босиб ётипти.

Район партия комитетининг агитация ва пропаганда бўлими (мўдири ўртоқ А. Икромов) пахтакорлар ва механизаторлар ўртасида оммавий сиёсий ишларни олиб боришда колхоз партия ташкилотларига яқиндан ёрдам қилмаётир. Ўртоқ Икромов колхозларга борганда деворий газета, «Жанговар варақа»ларнинг мунтазам чиқарилаётганлиги блан қизиқмайди. Дала шийпонларида «Ҳурмат тахта»лари ташкил этилмаган. Илғор пахтакорлар ва механизаторларнинг иш тажрибалари оммалаштирилмайди.

Оққўрғон район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, МТСларнинг директорлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари колхоз ва совхозларга конкрет ва оператив раҳбарлик қилиб, ғўза парваришини ҳартарафлама кўчайтириб юборишлари, 1954 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришга эришмоқлари керак.

Оққўрғон районининг пахтакорлари ва механизаторлари областимизнинг юқори ҳосилли районлари қаторига ўтиб олиш учун зўр ғайрат блан фидокорона меҳнат қилишлари зарур.

Қ. АҲМЕДОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

Болаларимизнинг соғлиғи тўғрисида ғамғўрликни янада кучайтирамиз

Ҳозирги кунларда областимизнинг барча мактабларида имтиҳонлар қизғин давом этмоқда. Имтиҳонлар тамом бўлгандан кейин мингларча болалар пионер лагерьларида, санаторияларда ва шаҳардаги кўкаламзор боғларда кўнгилли дам оладилар.

Партия ва ҳукуматимиз колхозчиларнинг болаларини соғлом ва қувноқ қилиб тарбиялаш учун ҳамиша меҳрибонлик қилиб келмоқдалар. 1953 йилда областимиздаги 22 колхозда пионерлар лагери очилди. Бу пионер лагерьларида 2745 бола дам олди. Бу йил областьдаги 40 дан ортиқ колхозда пионерлар лагери очилади ва уларга 5 минга яқин ўқучилар жалб қилинади.

Колхозларда болалар учун пионер лагерьлари очишни янада кўпайтириш тўғрисидаги яхши ташаббусни ҳартарафлама қўллаб-қувватлайлик.

Биз қуйида Ўртасарой районидаги Свердлов номли колхоз раиси М. Мухаммаджонов ва партия ташкилотининг секретари Х. Холматов ўртоқларнинг колхоз пионер лагери ташкил этиш тўғрисидаги мақоласини босдик.

Областимиз меҳнаткашлари партия XIX с'езди директиваларига амал қилиб ҳамда КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорларини бажариш учун курашиб, зўр ғайрат блан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Халқ эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотларни мўл-кўл яратишдек буюк вазифани бажаришда биз колхозчилар ҳам ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Колхоз а'золари бу йил 1185 гектар ердан 29,5 центнердан пахта ҳосили олиш учун курашмоқдалар.

Шу блан бирга фаровон ҳаёт кечираётган колхозчиларимизнинг маданий талабларини қондириш, ёшларимизни замонамизнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялаш, ҳарбир ота-онанинг ва барча жамоат ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир. Ёш авлод партия, ҳукуматимиз талаб қилганидек жисмоний жиҳатдан соғлом, бардам ва тетик, ҳарқандай қийинчиликларни енгиб ўтишга қодир бўлиб етишишлари лозим. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу муҳим масалага алоҳида аҳамият бермоқда. Шу мақсадда бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Бизнинг Свердлов номли колхозга Крупская номли, Навоий номли, «Чегара», «МОПР», «Оқолтин» колхозлари бирлашган бўлиб, шу колхозларнинг илғаригги правление ва бошқа жамоат бинолари колхоз территориясидаги тўртта мактаб ихтиёрига берилди. Шундай қилиб, колхозимиздаги мактаблар яхши жиҳозланган бинолар блан тўлиқ та'мин этилди. Бундан ташқари колхознинг галлакорлик участкасидаги Тошсой қишлоғида 4 хоналик, Парписой қишлоғида 2 хоналик, Евкочди ва Парпиота қишлоқларида бир хоналик бинолар шу қишлоқларда жойлашган мактабларнинг фойдаланишлари учун яхшилаб ремонт қилиб берилди. Шунингдек колхозчиларнинг умумий йиғилишида ҳозир колхоз правлениеси жойлашган бинони мактабга беришга ва колхоз правлениеси учун янги бино қуришга қарор қилинди. Янги ўқув йилигача бу бино тўла-тўкис ремонт қилиниб, мактаб ихтиёрига фойдаланиш учун топширилади. Биз умумий мажбурий та'лим Қонунини тўлиқ амалга ошириш, болаларнинг ўқишлари учун қулай шароит яратиб бериш мақсадида ҳар йили колхоз территориясидаги 4 та мактаб биносини ва уларнинг филиалларини ремонт қилишда, ёқилғи блан та'минланда яқиндан ёрдам бериб келмоқдамиз. Ҳозир бу мактабларда колхозчиларнинг 1000 га яқин ўғил-қизлари та'лим олмоқда.

Биз ўз фарзандларимизнинг мактабларда яхши та'лим олишлари ва тарбиланишлари учун қандай ғамхўрлик қилиб келаётган бўлсак, уларнинг ёзги каникул даврида мазмунли, қувноқ ва қизиқарли дам олишлари учун ҳам қулай шароит яратиб бермоқдамиз. Ўтган йили колхозимизда болаларнинг ёзги дам олишларини яхши уюштириш мақсадида колхоз пионер лагери ташкил қилинди. Колхозчиларнинг умумий мажлиси колхоз пионер лагери очишни ва унга қанча маблағ сарф этилишини кўрсатиб қарор чиқаргандан сўнг, даҳол амалий ишга киришилди ва пионерлар лагери учун ўтган йили ҳаммаси бўлиб 48571 сўм сарф қилинди.

Пионерлар лагери очишда ва бу ерда ўқучиларнинг кўнгилли дам олишини уюштиришда район халқ маориф бўлими ва район комсомол комитетининг ходимлари, мактаб ўқитучилари ҳамда колхоз врачлари амалий ёрдам бердилар. 3-нчи мактаб ўқитучиси ўртоқ Гафур Аҳмедов раҳбарлигида лагерьдаги болалар маданий дам олдилар, бўш вақтларини фойдали ишлар блан ўтказдилар. Улар шахматшашка, физкультура, хор, ёш мичуринчилар тўгаракларига актив қатнашдилар, турли ўсимликларнинг коллекцияларини тўпладилар. Лагерьда дам олучи болаларни табиат манзаралари, колхоз ерлари ва у ердаги турли ҳашоротлар ҳамда ўсимликлар блан таништириш мақсадида тоққа, Қизилсойга, колхознинг олмазор боғига тўрт марта экскурсия уюштирилди. Пионерлар лагери режим блан иш олиб борди. Лагерьда дам олган болаларнинг та'миноти кўнгилдагидек ташкил этилди. Бу тадбирлар натижасида лагерьда дам олган 80 бола 2 килодан тортиб 6 килогача семирди. Жумладан, 3-нчи синф ўқучиси Нортожи Абдукаримова 4 кило, 3-нчи синф ўқучиси Турғунбой Абдуллажонов 6 кило, 6-нчи синф ўқучиларидан Ғулом Иброҳимов 2 кило, Эрали Рисбоев 3,5 кило семирдилар.

Колхозчи ота-оналар пионерлар лагери ишидан жуда мамнун бўлдилар ва колхоз правлениеси лагери ишини ҳар йили давом этдиришни талаб қилдилар. Шунинг учун ҳам колхоз правлениеси бу йил пионерлар лагерини ўтган йилдагига нисбатан бирмунча кенгайтиришга қарор қилди. Шундай қилиб бу йил лагерьда 120 ўқучи дам олади.

Бу йил пионерлар лагерини колхознинг «Оқ олтин» участкасидаги қўркам ва серсув олмазор боғда ташкил этамиз. Ҳозир пионерлар лагери учун шийпон қуриш, қўшимча 10 минг сўмлик инвентарь сотиб олиш, қурилиш материалларини келтириш каби тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган йили пионерлар лагерида ишлар бирмунча яхши ташкил этилган бўлса ҳам, ба'зи камчиликлар юз берган эди. Жумладан, тўгарак ишлари юзаки олиб борилди, физкультура мусобақалари, культпоходлар ўтказилмади. Болалар китоблар блан тўлиқ та'минланмади, турли маданий ўйинлар оз уюштирилди. Айниқса лагерь сувдан узоқ ерда жойлашгани учун болаларни сувдан яхши фойдалантирилмади.

Ўтган йили юз берган бу камчиликларни бу йил такрорланмаслиги учун ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Болаларни соғломлаштириш соҳасида бошлаган ишимизга район халқ маорифи бўлими ва район комсомол ташкилотининг ходимлари, ўз ёрдамларини янада кучайтиришлари керак. Улар, пионерлар лагери ишини, совет педагогикаси қоидаларига мувофиқ равишда тарбиявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиш, тарбиячи кадрлар танлаш, лагерьда намунали режим ўрнатиш ишига бевосита раҳбарлик қилиб туришлари лозим.

Колхозда пионерлар лагерининг ташкил этилиши колхозчи ота-оналарнинг колхоз ишлабчиқаришида фидокорона меҳнат қилишга янада рағбатлантирди.

Пионерлар лагерида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишларнинг сермазмун бўлишига эришиш, турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказиш энг зарур тадбирлардан биридир. Биз бу соҳада бошлаган ишимизни охиригача етказиб, пионерлар лагерини болаларимизнинг ҳақиқий, қувноқ ва кўнгилли дам оладиган жойига айлантирамиз.

М. МУҲАМАДЖОНОВ,

Ўртасарой районидаги Свердлов номли колхоз раиси.

Х. ХОЛМАТОВ,

Колхоз партия ташкилотининг секретари.

ИЛҒОРЛАР МИНБАРИ

Темир йўл транспорти резервларидан унумли фойдаланайлик

Мамлакатимиз экономикасини янада ривожлантиришга қаратилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда, саноат ва қишлоқ хўжалигимизни юксалтиришда темир йўл ходимларининг ҳам хизмати катта. Коммунистик партия мамлакатимиз темир йўлларида меҳнат унумини ошириш учун курашиб, уни биринчи даражали техника блан тобора кўп та'минлаш ишига зўр э'тибор бериб келмоқда.

Тошкент тепловоз депосининг илғор машинистлари янги совет локомотивларини моҳирлик блан бошқаришнинг техникасини чуқур эгаллаб, юк ташиш топшириқларини доимо ортиғи блан бажариб келмоқдалар. Илғари депомизнинг ба'зибир машинистлари тепловозни паровозларга нисбатан устун эканлигига шубҳаландардилар. Аммо, бу узоққа бормади. Улар тепловозларнинг оддий паровозларга қараганда техника жиҳатидан қанчалик устунлигини практикада кўриб билдилар. «ТЭ—2» серияли тепловоз худди шу ҳажмдаги қувватга эга бўлган паровозга қараганда беш марта кам ёнилғи талаб қилади. Тошкент бўлимида тепловозлардан кенг фойдаланишнинг йўлга қўйилиши кейинги йиллар ичида темир йўл бошқармасига халқ хўжалигимиз учун зарур юкларни ташиш миқдорини анча ошириш имкониятини берди.

Ижодкор совет олимлари фан ва техникани тинмай ривожлантириб, янгиданянги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Харьков тепловоз заводи тепловозлар учун электр асбоб-ускуналари ишлаб чиқаруччи завод блан биргаликда «ТЭ—3» серияли янги, кучли локомотивларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу машиналар ўзларининг техника кўрсаткичлари блан илгариги локомотивларга қараганда анча кучлидир. У, 3500 тоннатача юк ортилган составни бемалол тортаолади.

Тошкент-товар депосининг илғор машинистлари тепловозларни бошқариш ва улардан фойдаланиш методига бирмунча янгидий ўзгартиш киритдилар. Жумладан, улар оғир вазнли составларни бошқаришнинг ташаббускорлари бўлиб чиқдилар.

Тепловозларнинг қувватидан тўғри ва тўла фойдаланиб, локомотив қисмларининг нормал ишлаши та'минланган ҳолдагина, оғир вазнли составларни жадал усулда муваффақиятли бошқарин мумкин. Шунинг учун ҳам депо машинистлари локомотив қисмларининг, айниқса, унинг двигателини нормал ишлашига алоҳида э'тибор бермоқдалар.

Локомотивлардан унумли фойдаланишнинг илғор методлари блан қуролланган депо машинистлари тепловозларни жадал усулда ҳайдаб, пландан ташқари кўплаб юк ташимоқдалар ва ёнилғи тежамоқдалар. Шу йилнинг 4 ойи ичида мен ва менинг ҳамкасбларим машинистлардан Ефимов ва Утимишев ўртоқлар ўнларча оғир вазнли составларни бошқардик ва пландан ташқари мингларча тонна юк ташидик. Йўл бошқармаси ва сиёсий бўлим март ойидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, тепловоз бригадамизга «энг яхши бригада» номини берди. Деподанги кўпгина локомотив бригадалари ҳам худди ана шундай муваффақиятларга эришмоқдалар.

Аммо бу юк ташишнинг кўпайтириш йўлида мавжуд ички резервларидан тўла фойдаланилмоқда, деган сўз эмас, албатта. Ватанимиз пойтахти Москва шаҳрида бўлиб ўтган темир йўл транспорти ходимлари активининг Бутуниттифоқ кенгаши вагонлар оборотини тезлатиш, юк ташиш таннархини камайтиришда кўпюкчилар ҳаракатини кенг кўламда ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини ва бу соҳада қаҳ анча камчиликлар мавжудлигини алоҳида қайд қилиб ўтди. Ўртоқ Л. М. Каганович кенгашда сўзлаган нутқида кўпюкчилар ҳаракатини кенг авж олдириш ҳозирги кунда темир йўл ходимларининг олдида турган энг муҳим вазифа деб кўрсатди.

Шуни айтиш керакки, халқ хўжалигимизнинг янада ривожланишига катта ёрдам беручи бу қимматли ташаббус темир йўл Тошкент бўлимида кўнгилдагидек оммалаштирилмоқда, деб айтиб бўлмайди. Ваҳоланки, бунинг учун барча ҳамма имкониятлар бор. Бу ҳаракатнинг кенг қулоч ёймаётганлигига асосий сабаб шуки, оғир вазнли составларни жўнатишда қат'ий график бўлишига эришилмаётир. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, поезд составларини тез ва тўғри тузиш, аниқ графикка эга бўлиш — меҳнат унумини оширишнинг муҳим шартидир.

Темир йўл Тошкент бўлимининг раҳбарлари, хусусан эксплуатация бўлимининг ходимлари ўз ишларини илғор машинистлар талаби асосида қайта қуриб олишлари ва оғир составли поездларни тез ва тўғри тузишни кундалик план асосида олиб боришлари керак. Бундай усул блан ишлаш кўпюкчилар ҳаракатига ташкилий тус бериб, унинг янада ривожланишига ёрдам беради.

Транспортдаги ҳали фойдаланилмаётган ички резервлардан фақат айрим рекордчилар ҳисобигагина тўла фойдаланиб бўлмайди. Бунинг учун, аввало, кўпюкчилар ҳаракатига машинистларни оммавий равишда жалб қилиш ва шу асосда умумий юксалишга эришиш лозим. Айрим машинистларнинг эришган ютуқлари барча машинистларга оммалаштирилиши керак. Ҳарбир машинист ўзи бошқариб бораётган составга пландан ташқари камида 200—250 тоннадан юк олсин.

Темир йўл Тошкент бўлимида совет кишиларининг иш услубига ва уларнинг табиатларига тўғри келмайдиган кайфиятлар, я'ни эришилган ютуқлар блан ҳотиржам бўлиш, мағрурланиш кайфиятлари бор. Бўлим раҳбарлари муваффақиятлар ҳақида жуда кўп гапирадилар-у, аммо кўпюкчилар ҳаракатини янада ривожлантириш ишига нималар тўсқинлик қилаётганлигини аниқлаш ва унинг сабабларини ўрганиб, анализ қилиш, уларни йўқотиш масалалари блан кам шуғулланмоқдалар. Бўлимда илғор машинистларнинг методидан фойдаланиш ўрнига, кўпинча, диспетчерларнинг иш билмаслиги, ва камҳафсалалиги орқасида айрим вақтларда тепловозлар қувватидан тўла фойдаланилмай, локомотивлар составсиз жўнатилмоқда.

Поездларни жадал усулда ҳайдаш учун, аввало, йўлларнинг доимо яхши ҳолатда бўлиши талаб этилади. Аммо Тошкент бўлимининг ба'зибир участкаларидаги камчиликлар оғир вазнли составларни жадал усулда ҳайдашга тўсқинлик қилмоқда. Тошкент ва Сергели темир йўл дистанцияларининг ходимлари темир йўл транспортидаги барча тормозларнинг эксплуатацион ва ҳўжалик фаолиятини яхшилаш тадбирларини атрофлича кўриб чиқишлари ва турли хил ороҳлантиришларни камайтириш учун ҳамма зарур чораларни кўришлари керак. Оғир составли поездларни станция ва раз'ездларга кириш олдидан белгиланган вақтдан ташқари ушлаб қолиш ҳоллари ҳали ҳам йўқотилган эмас.

Составларни бетўхтов ва аниқ график асосида бошқариш учун локомотивларнинг ҳамма қисмлари яхши, нормал ҳолатда бўлиши талаб этилади. Бу нарса тепловоз бригадаларининг ўзига боғлиқ. Тепловознинг ҳамавақт а'ло даражада бўлиши ва унинг унумли ишлаши учун локомотив графикда кўрсатилган муддатда профилактик ремонт турларининг ҳамма соҳалари бўйича ремонтдан ўтиб туриши керак. Тошкент тепловоз депоси ремонт цехларининг коллективлари локомотивларни ремонт қилиш технологиясидаги процессларни такомиллаштириш йўлида бирмунча иш қилдилар. Айниқса, бу соҳада депо коллективига Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг илмий ходимлари самарали ёрдам бермоқдалар. Аммо, депода тепловозларни ўз вақтида ремонт қилиш учун запас қисмлар блан та'миналаш иши ҳаддан ташқари ёмон уюштирилган. Кўпинча депонинг ремонт цехлари запас қисмлар ва бошқа хил детальлардан етарли миқдорда ўз резервига эга бўлмайди. Запас қисмлар етишмаслиги натижасида ремонт графиги бузилиб, локомотивлар белгиланган муддатдан ортиқ ремонтда туриб қоладилар.

Шунингдек, бўлимда локомотивларни ремонт қилиш ва тепловозларнинг унумли фойдаланишдаги новатор ишчиларнинг илғор, прогрессив методларини оммалаштириш иши ҳам қониқарсиз ташкил қилинган. Биз, Тошкент депосининг машинистлари темир йўл Арись бўлимининг илғор тепловозчилари блан учрашиб, ўз тажрибаларимиз блан ўртоқлашиш, бир-биримизга ўргатиш ва ўрганишни жуда хоҳлар эдик. Бундай учрашувлар шубҳасиз ишимизга катта фойда келтирган бўлар эди.

Бўлимда илғор методларни оммалаштириш ва уларни умумлаштириб, нашр этиш ишлари блан шуғулланучи йўл бошқармасининг техника бўлими тепловозчилар блан ҳеч қандай иш олиб бормаётир ҳамда уларга амалий ёрдам бермаётир. Бўлимда тепловозлардан фойдаланиш бошланганидан бери ўтган йиллар ичида илғор методларни умумлаштиручи бирорта тузукроқ брошюра ёки китоб нашр этилгани йўқ. Бундан икки йил бурун бўлиб ўтган тепловозчилар конференциясининг материалларини босиб чиқариш ҳақида махсус қарор бўлишига қарамай, бу материаллар шу вақттача нашр этилгани эмас.

Яна шу нарса ажабланарлики, Тошкентда илғор методларни ўрганиб, новатор тепловозчиларнинг бой тажрибаларини оммалаштириучи асарлар ёзишга қодир бўлган юқори малакали ва тепловоз ишларидан яхши хабардор бўлган илмий ходимлар бўлатуриб, бу жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлган ишга етарли э'тибор берилмаётир. Шунингдек, темирйўлчилар техника Уйи ва темирйўлчилар инженер-техникларининг илмий жамияти ҳам бу ишга совуққонлик блан қараб келмоқда.

Тўғри, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг илмий ходимлари колективимизга ёрдам бериб келмоқдалар. Аммо шундай бўлса ҳам, ҳали ишимизда бирқатор ҳал қилинмаган масалалар ва ўрганилмаган проблемалар бор. Масалан, бизнинг депо коллективи ёнилғи беручи аппаратни тез ва қисқа муддат ичида қайта тиклашга муваффақ бўлди. Бу соҳадаги тажрибага бошқа депо коллективлари, жумладан, темир йўл Ашхобод бўлимининг тепловозчилари катта қизиқиш билдирмоқдалар. Илмий ходимлар бу тажрибаларни умумлаштиришлари ва уни бошқа корхоналарга кенг ёйилишига ёрдам беришлари керак.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш лозимки, кундалик практикада тепловозлардан фойдаланиш ва уларни сифатли ремонт қилиш ишлари фан ходимлари олдига ҳал этилиши лозим бўлган қатор проблематик масалаларни қўймоқда. Аммо, темир йўл транспорти ички резервларидан янада унумлироқ ва тўла фойдаланишга имкон беручи бу масалалар жуда секинлик блан ҳал этилмоқда.

Бу кўрсатилган камчиликлардан ташқари, яна ташкилий ишларимизда ҳам айрим етишмовчиликлар бор. Илгаригги ҳар 10 кунда тепловозчилар блан темир йўл бўлимининг турли хил тормозларининг ходимлари учрашиб турар эдилар. Бу учрашувларда диспетчерлар ҳамда эксплуатация бўлимининг ходимлари тепловозчилар ишини анализ қилиб берардилар. Ўз навбатида биз ҳам кўпюкчилар ҳаракатининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган поездлар ҳаракатининг қат'ий графикасининг бузилиш сабабларини ўрганар ва уларни тузатиш тадбирларини белгилар эдик. Аммо, кейинги пайтларда бундай иноодий учрашувлар бўлмаётир. Биз, машинистлар ишимизга катта ёрдам бераётган бу иноодий учрашувларни яна қайтадан давом эдиришни истар эдик.

Москвада бўлиб ўтган темир йўл транспорти ходимлари активининг Бутуниттифоқ кенгаши Совет Иттифоқидаги барча темирйўлчиларга қарата Мурожаат қабул қилди. Мурожаатда 1954 йили давлат топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва темир йўл транспортининг ишини янада юксалтириш учун бу соҳанинг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари ўртасида социалистик мусобақани кучайтириб юборишга чақирилди. Биз, Тошкент тепловоз депосининг машинистлари бу чақириқни яқдиллик блан қабул қилиб, мамлакатимиз экономикасини ривожлантириш ишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Деҳқон СУЛТОНОВ,

Тошкент тепловоз депосининг машинисти.

Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши

ЖАНВА, 21 май. (ТАСС махсус мухбири). Бугун тўққиз делегацияниг ёпиқ мажлисида Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш давом этди.

Бу масала юзасидан келгуси мажлис 24 майда бўлади.

ЖАНВА КЕНГАШИ ТЕВАРАГИДА

ЖАНВА, 21 май. (ТАСС махсус мухбири). Бу ерда олинган ма'лумотларга кўра, бугунги ёпиқ мажлисда ташқи ишлар министрлари Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни давом этдирганлар. Бу ерда та'кидлаб ўтишларича, фикр олишиш натижасида Ҳинди-Хитой масаласини янада муҳокама қилиш соҳасида муайян прогресса эришилган. Кенгаш қатнашчилари даставвал Вьетнам Демократик Республикаси ва Франция делегациялари тақдим этган таклифлар лойиҳаларидаги асосий масалаларни кўриб чиқиш ҳақида келишганлар.

Бу масалалар: бутун Ҳинди-Хитой территориясида уруш ҳаракатларини айни бир вақтда тўхтатиш; урушчи томонларнинг қўшинлари жойлашадиган зоналарни белгилаш; Ҳинди-Хитойга янги қўшинлар ва қурол-яроғ келтиришни тўхтатиш; яраш шартларининг амалга оширилишини бетараф мамлакатлар комиссияси томонидан кузатиб туриш, шу билан бирга иккала томон вакилларидан иборат комиссия томонидан кузатиб туриш; Жанва кенгаши қатнашчилари томонидан гарантия масалаларидир.

Мавжуд ма'лумотларга кўра, кенгашда ҳарбий масалалар муҳокама қилинганидан кейин Ҳинди-Хитойдаги сиёсий масалаларни ҳал этишга доир таклифлар ҳам кўриб чиқилиши лозим деб келишилган.

Кенгаш қатнашчиларининг келишиб қўйишича, муҳокама қилиш ҳақида келишилган юқоридаги моддалар кенгаш қатнашчилари илгари сурган масалалар блан тўлдирилиши мумкин. Бошқа делегацияларнинг таклифлари ҳам кўриб чиқилиши кўзда тутилади. Буерда билдиришларича, Ҳинди-Хитой масаласини муҳокама қилишни давом этдириш учун келгуси мажлис 24 май душанба кунида бўлади.

Бугунги мажлисдан кейин бу ердаги кузатувчиларда Ҳинди-Хитой масаласини муҳокама қилиш ҳақида совет делегациясининг ташаббуси блан қабул қилинган тартиб бу масалани самаралироқ муҳокама қилишга ёрдам беради деган умид туғилди.

ЯЛПИ ҚИРҒИН ҚУРОЛИ ТАҚИҚЛАНСИН!

«Бирлашган миллатлар дўстлари ассоциациялари жаҳон федерацияси» ижроия комитетининг резолюцияси

ЖАНВА, 21 май. (ТАСС). «Бирлашган миллатлар дўстлари ассоциациялари жаҳон федерацияси»нинг ижроия комитети 15—18 майда Жанвада бўлиб ўтган 40-нчи мажлисида «водород бомбаси ва ялпи қиргин қуролининг бошқа турлари тўғрисида» бир овоздан резолюция қабул қилди.

Бу резолюция БМТ бош секретари Даг Хаммаршельдга, Жон Фостер Даллеса, Ф. М. Молотовга, Антони Иденга, Жорж Бидога, Лестер Пирсонга, Чжоу Энь-лайга, шунингдек БМТ қуролсизланиш комиссиясининг Лондонда ҳозирги вақтда мажлис қилаётган кичик комитети а'золарига топширилди.

Резолюцияда бундай дейилади:

«Бирлашган миллатлар дўстлари ассоциациялари жаҳон федерацияси»нинг ижроия комитети,

борган сари кўпроқ вайрон қилиш кучига эга бўлаётган ялпи қиргин қуролининг мукаммаллаштирилиши цивилизациянинг яшаши учун хавфли эканлигини англаб,

атом ва водород бомбаларини, шунингдек бактериология қуролини ва ялпи қиргин қуролининг бошқа турларини ишлаб чиқариш ҳозирги вақтда ўз-ўзидан миллатлар ўртасидаги хавфсирашга ва ишончсиз қарашга жиддий сабаб бўлаётир, халқаро вазиятдаги кескинликни яна кучайтираётир деб ҳисоблаб,

ҳамма ҳукуматлардан ва жумладан буюк давлатлар ҳукуматларидан қуйидаги мақсадларда чунончи:

а) ҳамма оддий қуролли кучларни мумкин қадар тезроқ камайтириш, атом ва водород қуроллари, бактериология қуроли ва бошқа ялпи қиргин воситалари ишлатишни ҳамда уларни ишлаб чиқаришни тақиқлаш, шунингдек бу тадбирларни амалга ошириш имкониятини берадиган эффектив халқаро контроль ва инспекция системаси ўрнатиш мақсадида,

б) қуролсизланиш натижасида тежаладиган ресурсларидан, кам тараққий этган мамлакатларнинг эҳтиёжларини айниқса э'тиборга олган ҳолда, тинч йўл блан иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда ривожланиш учун фойдаланиш, планлар ишлаб чиқишни талаб қилади ва барча халқларни бу сиёсатини ўз ҳукуматларига, ўз парламентларининг а'золарига ва турли давлат институтларидаги вакилларга тавсия қилишга чақиради».

Француз жамоатчилиги совет артистларининг концертлари тақиқланганлигига қарши норозилик билдиришни давом этдирмоқда

ПАРИЖ, 21 май. (ТАСС). Франция ҳукумати совет артистларининг Парижда концерт беришларини тақиқлаганлиги натижасида совет балет артистлари Франциядан жўнаб кетишга мажбур бўлганларидан кейин бир ҳафтадан кўпроқ вақт ўтди. Бироқ, матбуотнинг хабар беришича, Франция жамоатчилик фикрининг турли доиралари ҳукуматнинг бу қарорига қарши норозилик билдиришни давом этдирмоқдалар.

«Юманите» газетасининг ёзишича, Француз киносининг, радио эшитиришининг, «Медрано» циркининг, Париждаги «Гранд опера» театри ва «Опера комик» театрининг ва бошқа театрларнинг юзларча артистлари норозилик баёнотини имзолаганлар. Баёнотда бундай дейилади:

«Сан'ат — умумийдир. Ўз мамлакати маданий меросининг намоёндалари сифатида ўзига меҳмон бўлиб келган ҳамма кишини саммий кутиб олиш ҳамиша французнинг ҳалқининг традицияси бўлиб келди.

«Комеди франсэз» театрининг артистлари Москва ва Ленинградда бўлганларида совет халқининг уларни саммий кутиб олганлигидан француз халқи айниқса хурсанд бўлган эди. Сан'атга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган баҳоналар блан совет артистларига нисбатан ҳақоратли қарор қабул қилинганлиги каби факт французларни жаҳон маданиятининг яшашига ёрдам бераоладиган туйғу-ҳисларини изҳор қилиш имкониятидан маҳрум этганлиги бениҳоя афсуслантиради.

Бу хил ҳақорат даставвал сан'ат арбобларини ачинтирди, бундай адолатсиз чора муносабати блан сан'ат арбоблари совет балет группасининг ҳамма а'золаридан қойил қолганликларини изҳор қиладилар, совет балет группасининг Францияда бўлиши халқларни бир-бирлари блан яқинлаштириш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди».

«Пансэ» журналининг раҳбарлик комитети ҳам совет балет артистлари спектакльларининг тақиқланганлигига қарши кескин норозилик билдирди. Бу комитет составида йирик француз олими ва жамоат арбоби Фредерик Жолио-Кюри, доктор Анри Валлон, ёзучи Франсис Журдэн ва бошқалар бор.

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИНИНГ БЕРЛИНДА БУЛАДИГАН ФАВҚУЛОДДА СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

БЕРЛИН, 21 май. (ТАСС). Берлинда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг бўладиган фавқулодда сессиясига тайёргарлик кўриш юзасидан кейинги ишлар тамом бўлмоқда.

Турли мамлакатлардан биринчи делегатлар Берлинга келабошлади. Тинчлик учун курашчи Немислар кенгашининг вакиллари кеча сессияга келган. Япон тинчликни ҳимоя қилиш комитети ижроия комитетининг раиси Иоситаро Хирано ва Ҳиндистон делегацияси а'золарини кутиб олдилар.

Бугун Го-мо-жо бошчилигида Хитой тинчликни ҳимоя қилиш халқ комитети делегацияси ва Вьетнам тинчликни ҳимоя қилиш комитети раиси Ле Дин-Там бошчилигида Вьетнам делегацияси Берлинга келдилар. Матбуотнинг хабар беришича, Корея Халқ-Демократик Республикаси тинчлик учун курашчилар делегацияси, Бирма, Австралия, Цейлон ва бошқа мамлакатларнинг тинчлик учун курашчилар делегациялари Берлинга келиш учун йўлга чиққанлар.

Бироқ, буерда айтишларича, бирқанча делегатлар ва меҳмонлар турли сабаблар блан сессия очиладиган муддатгача келиб етаолмайдилар. Шу сабабдан, Тинчлик учун курашчи немислар кенгаши бош секретари Гейнц Вильманнинг хабар беришича, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Берлинда бўладиган сессиясини очишни 24 майга кечиктиришга қарор берилган.

Немис халқи Жаҳон Тинчлик Кенгашининг бўладиган сессиясига катта аҳамият бермоқда. Сессияга тайёргарлик кўриш вақтида Германия Демократик Республикасининг шаҳар ва қишлоқларида, шунингдек Ғарбий Германияда меҳнаткашларнинг йиғилишлари ва митинглари бўлиб ўтди, бу йиғилиш ва митингларда кўзга кўринган жамоат арбоблари ва сиёсий арбоблар, тинчлик учун кураш ҳаракатининг актив қатнашчилари нутқ сўзладилар. Бу йиғилиш ва митингларда немис меҳнаткашлари немис халқини ялпи қиргин қуролининг тақиқланиши учун, демократик ва тинч асосда Германиянинг бирлигини тиклаш учун бутун кучи блан курашишга чақирган резолюция ва мурожаатларни баланд руҳ блан қабул қилдилар.

Ҳинди-Хитойдаги урушни тўхтатиш учун Лондонда митинг

ЛОНДОН, 20 май. (ТАСС). Англия—Вьетнам комитети Вьетнам Демократик Республикаси президенти Хо Ши Мин туғилган кунининг 64 йиллиги муносабати блан кеча Лондонда Митинг ўтказди. Митингда парламент а'зоси лейборист Том Драйберг, Француз профессори Марсель Нер, мебельчилар миллий касаба союзининг ташкилотчиси Уильям Зак ва бошқалар нутқ сўзладилар. Зал «Вьетнамга мустақиллик берилсин», «Ҳинди-Хитой масаласини тинч йўл блан ҳал этиш учун» деган шиорлар ёзилган плакатлар блан безатилган эди.

Драйберг ўз нутқида Қўшма Штатларнинг Ҳинди-Хитойдаги уруш доирасини кенгайтириш йўлидаги уринишларига тўхталиб ўтди. У Шарқи-Жанубий Осиёда америкаликларнинг раҳбарлиги остида ҳарбий ташкилот тузиш планлари ҳақида гапириб, Англия ишчилар ҳаракати Англия ҳукуматидан бу ташкилотда иштирок этмаслигини ва ғарбий давлатларнинг халқ Хитойи атрофида агрессив қуршов вужудга келтириш йўлидаги уринишларига тўсқинлик қилиш учун ўз та'сиридан фойдаланишни талаб қилиши лозим, деди. Драйберг ўз сўзининг охирида Ҳинди-Хитойдаги урушга хотима беришга чақирди.

Профессор Марсель Нер ўз нутқида демократик республика ҳукумати Вьетнамнинг бирдан-бир ҳақиқий ҳукуматидир ва Франция 1946 йил 6 мартда бу ҳукуматни шундай ҳукумат деб таниган эди, деди. «Чан Кай-шини аввалгидек Хитойнинг вакили деб ҳисоблаш қандай бема'ни бўлса, — деди у, — Бао Дай ҳукуматини таниш ҳам шундай бема'ниликдир».

Совет делегацияси Жаҳон Тинчлик Кенгашининг фавқулодда сессиясига жўнаб кетди

Совет делегацияси Жаҳон Тинчлик Кенгашининг фавқулодда сессияси ишида қатнашиш учун 22 майда Берлинга жўнаб кетди.

Делегация составида Н. С. Тихонов, А. А. Сурков, А. И. Опарин, М. И. Котов, Николай митрополит Крутицкий ва Коломенский ҳамда бошқалар бор. (ТАСС).

Салоникда совет артистларининг концерти

АФИНА, 21 май. (ТАСС). 20 майда Салоникда совет артистларининг концерти бўлди, концерт зўр муваффақият блан ўтди. Концерт қатнашчилари Сэоболевский, Долухонова, Тихомирнова ва Ледях программадан ташқари кўп номерларни ижро этдилар. Совет артистларига гулдасталар тақдим этилди. Концертда Шимолий Греция министри Стратос, Салоник шаҳрининг бошлиғи Петроматис, Бирлашган демократик сўл партия раиси Пассалидис ва бошқа сиёсий арбоблар ҳозир бўлдилар.

Концертдан кейин Шимолий Греция министри Стратос концерт қўйиб берганликлари учун совет артистларига ташаккур изҳор қилди.

Пуэрто-Рико Коммунистик партиясининг 4-нчи с'езди

НЬЮ -ЙОРК, 21 май. (ТАСС). «Дейли уоркер» газетаси мухбирининг хабар қилишича, Сан-Хуанда (Пуэрто-Риконинг пойтахти) Пуэрто-Рико Коммунистик партиясининг 4-нчи с'езди бўлиб ўтган. С'езд ишчилардан, ўрта синфларнинг вакилларидан, деҳқонлардан ва Пуэрто-Риконинг мустақиллиги учун курашчи миллий буржуазиядан иборат миллий-озодлик фронти тузишга чақирадиган программа қабул қилган.

С'езд 9 а'зодан иборат составда Марказий комитет сайлаган. Пуэрто-Рико Коммунистик партиясининг раиси қилиб Хуан Сантос Ривера ва бош секретарь қилиб Рамон Мирабало сайланган.

Совет баскетболчилари Италияга жўнаб кетдилар

«Майрано кубоги» учун бўладиган мусобақаларда қатнашмоқ учун Совет Иттифоқининг эркаклар терма баскетбол командаси 21 майда Москвадан Италияга жўнаб кетди.

«Майрано кубоги» учун мусобақалар Италия баскетбол федерацияси томонидан ташкил қилинаётган традицион халқаро баскетболчилар мусобақасидир. Бу мусобақалар икки йилда бир марта ўтказилади. Совет баскетболчилари бу мусобақаларда биринчи марта қатнашмоқдалар.

«Майрано кубоги» мусобақалари бу йил 26 майдан 30 майгача Милан шаҳрида ўтказилади. Бу мусобақаларда Европадаги олти мамлакат: Бельгия, Венгрия, Италия, Совет Иттифоқи, Франция ва Чехословакия командалари қатнашади. (ТАСС).

Хитойда контрреволюцион ташкилотнинг фош қилиниши

ШАНХАЙ, 21 май. (ТАСС). Цзинаньда чиқадиган «Дачжунжибао» газетасининг хабарига қараганда, Шаньдунь вилоятидаги Хоцзе номли махсус районнинг хавфсизлик органлари халқ оммасининг ёрдами блан «Лиминьдао» деган контрреволюцион махфий ташкилотни фош қилганлар. Бу ташкилотда диний ишлар ниқоби блан ишириниб келган, 20 асосий жиноятчи қамоққа олинган ва жавобгарликка тортилган. Ушланганлар ёнидан контрреволюцион руҳдаги адабиёт ва қурол-яроғ топилган.

Контрреволюционерлар иғвогарликдан иборат овозалар тарқатганлар, халқ ма'мурларига қарши қўпоручилик ишлари олиб борганлар.

Халқ судининг алоҳида мажлиси бу ташкилотнинг бошлиқларидан 6 кишини ўлим жазосига, бошқа жиноятчиларни турли муддат блан қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Полиция террори авж олган шароитда

ПХЕНЬЯН, 21 май. (ТАСС). Илгари хабар берилганидек, кеча Жанубий Кореяда қаттиқ террорчилик вазиятида қўғирчоқ «миллат мажлисига сайлов» ўтказилди. Ҳатто лисинманчиларнинг бу қалбакичилигини ўз хабарларида мақтаб кўрсатишга уринаётган америка мухбирлари ҳам «овоз бериш» полиция контроли остида ўтганлигини э'тироф қилишга ва овоз бериш натижаларини қалбакилаштириш ҳоллари жуда кўп бўлганлигини э'тироф қилишга мажбур бўлмоқдалар. Лисинманчилар аҳолни овоз бериш пунктларига зўрлик блан олиб кириб, уни корейс халқига ҳиёнат қилган бир тўда хоинларнинг вакиллари учун овоз беришга мажбур қилганлар.

Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Сеулдан берган хабарига қараганда, Ли Син Манга қарши чиқаётган «миллий демократик партия» деган оппозиция раҳбарлиги, «сайлов» вақтида полиция қийимидаги ёки граждан кийими кийиб олган полициячилар Сеулда овоз бериш пунктларида дежурлик қилиб, сайловчиларни лисинманчилар кўрсатган кандидатлар учун овоз беришга мажбур қилдилар, деб билдирган.

Пусандан ҳам шундай фактлар ҳақида хабар бермоқдалар. Буерда ҳам овоз бериш пунктларини граждан кийимя кийиб олган полициячилар контроль қилиб турганлар. Жанубий Кореядаги Тоньян Тхонсин агентлигининг хабаридан ма'лум бўлишича, «овоз» беришда қатнашучиларнинг сонини кўпайтириш мақсадида, тюрьмалардаги сайлов ҳуқуқидан маҳрум махбуслар соқчилар ёрдами блан пунктларга, я'ни овоз бериш пунктларига келтирилганлар. Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, Пусанда қутилардан бири очилгандан кейин лисинманчилар малайи учун берилган ва ҳаммаси бирга қўшилган юзга яқин бюллетень топилган.

* * *

Украиннинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги шарафига Тошкентдаги Театральная кўчаси Богдан Хмельницкий номига қўйилди. **Суратда:** Богдан Хмельницкий кўчаси.

В. Лейн фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

* * *

Янги мевани қайта ишлаш бошланди

Тошкентнинг консерва заводлари янги мева ҳосилини қайта ишлашга киришдилар, қулбнайдан мураббо пиширабошладилар.

Консерва саноати корхоналари бу йил энг янги техника блан та'минланди. Бирқанча заводларда томат сўси тайёрлаш учун мукаммал агрегатлар ўрнатилди. Консерва заводларининг кенгайтирилиши ва янги техника блан та'минланиши мураббо ишлаб чиқаришни ўтган йилдагига нисбатан икки баравардан ҳам ортиқ, компот ишлаб чиқаришни уч баравар кўпайтириш имконини беради. Мева сувлари ишлаб чиқариш кескин суратда кўпайтирилади.

Яхши ташаббус

Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг асосий кутубхонаси коллективи студентларга намунали хизмат кўрсатиш блан бирга, китобхонлар орасида оммавий ишларни ҳам яхши уюштирган. Бу ерда ҳар ойда 3—4 марта кутубхонада мавжуд бўлган китоблар, журналлар, газеталар, ва библиографик кўрсаткичлардан қандай фойдаланиш ҳақида суҳбат ҳамда консультациялар ўтказилиб турилади.

Яқинда студентлар учун бўлим бошлиқлари, старший кутубхоначи ва секторлар бошлиғи томонидан «Китоб, журнал ва газеталар йилномаси ва справочник сифатида уларнинг илмий ишдаги аҳамияти», «Марксизм-ленинизм классиклари асарларининг библиографияси», «Ма'лум бир тема учун зарур материални қандай танлаш керак», «САГУнинг асосий кутубхонасидаги нодир китоблар фонди» каби 8 та темада суҳбат ва консультациялар ўтказилди. Яна шу йилнинг охиригача китобхонларни қизиқтиручи темаларда бирнеча суҳбат ва консультациялар ўтказиш планлаштирилган. Бу ташаббус студентларнинг илмий ишларида китоб бойликларидан унумли фойдаланишларида яхши натижалар бермоқда.

Мактаб ўқучилари автоклуб ва аэроклуб тўгаракларига қатнашмоқдалар

Куйбишев районидаги Н. В. Гоголь номли 55-нчи ўрта мактаб ўқучилари мактабдан ташқаридаги техника тўгаракларига актив қатнашмоқдалар. Яқинда район автоклубидаги мотоцикл тўгарагининг қатнашчилари права олдилар.

Шу мактабнинг ўқучиларидан 5 киши аэроклубдаги учучилик тўгарагига мунтазам қатнашмоқда. 10-нчи синф ўқучиларидан Преснов ва Личаглар учишни яхши ўргандилар. Ҳозир улар самалётни бемалол бошқараётирлар.

Узбекистон композиторларининг янги асарлари

21 майда Свердлов номли концерт залида Сталин мукофоти лауреати, СССР халқ артисти композитор Мухтор Ашрафий яратган янги музыка асари — «Ватаним тонги» деган симфоник поэмага жамоат кўриги бўлди. Симфоник поэма мустақиллик ва Совет ҳокимиятининг тинч ижодий меҳнатига бағишланган бўлиб, коммунизм қуруви ўзбек халқининг меҳнат соҳасидаги шонли ишларини куйлайди.

Б. Гиенко, Г. Қодиров, А. Губайдуллин ва бошқа композиторлар ҳам ўзларининг янги асарларини СССР халқларининг дўстлигига бағишлаганлар.

Болалар санаторияларида

Тошкент шаҳар соғломлаштириш санаторияларида болаларнинг яхши дам олишлари ва даволанишларини намунали ташкил қилиш ишлари қизиб кетди. Бу ерларда болаларнинг кўнгилли ва ҳушчақчақ дам олишлари учун ҳамма шароит вужудга келтирилмоқда. Санатория боғларига кўплаб соя беручи манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, хилма-хил гуллар ўтказилди, бадиий жиҳатдан гўзал қилиб безатилди. Барча санаторияларда шахмат-шашка, биллиард ва бошқа турли ўйинлар, қизиқарли китобларга эга бўлган кутубхона бор. Бу ерларда болаларга тез-тез кино-фильмлар кўрсатилиб турилади.

Бу йил шаҳарнинг 8 та соғломлаштириш санаторияси 1,5 ёшдан 14 ёшгача бўлган 4200 га яқин бола дам олади.

Сталин районидаги 6-нчи соғломлаштириш санаторияси ҳозирданоқ йилнинг тўрт фаслида болаларни қабул қилишга мослаштирилди. Бу санаторияда ҳозир 100 бола дам олмоқда.

Янги мода пойафзаллар

Шаҳримиздаги пойафзал фабрикалари бу йил оёқ кийимлари ишлаб чиқаришни ва уларнинг ассортиментини бирмунча кўпайтирдилар. 1-нчи пойафзал фабрикаси болалар учун рантли ярим ботинка ва эркаклар учун сандалъар ишлаб чиқармоқда. Бу ерда аёллар оёқ кийими тайёрлаш цехи очилди. 2-нчи пойафзал фабрикаси уй туфлилари, шунингдек болалар учун майин чуваклар ишлаб чиқармоқда.

Янгийўл тикув-пойафзал фабрикаси ҳам болалар учун чармдан ишланган ёзлик чуваклар тикиб чиқармоқда.

СПОРТ

Республика биринчилиги учун шахмат мусобақаси

Ўзбекистон 19 шахмат чемпионатида курашлар кундан-кунга кескин тус олмоқда.

9-нчи ўйинда Равинский Кучмар устидан, Мухиддинов Абдусаматов устидан, Шаҳзода Мухин устидан, Батигин Перевозников устидан ғалаба қозондилар. Абдуллаев — Надеждин ўйини дуранг бўлди. Қолган ўйинлар кечиктирилди. 9 ўйиндан кейин 5,5 очко олган Грушевский олдинда бормоқда. (Унинг иккита ўйини кечиктирилган). 8 имкониятдан 5,5 очко олган Мухиддинов 2-нчи ўринда бормоқда.

Республика биринчилиги учун шашка мусобақаси

9-нчи ўйин қизғин курашлар блан ўтди. Турнирнинг лидери Александров биринчи мағлубиётга учради. У Ютландовга ютқазди.

10-нчи ўйинда Еқубов Боруховни, Александров Кабаковни, Давидов Дворкинни, Фомин Саидовни ютди. Канишчикер блан Грязнов ўртасидаги ўйин дуранг бўлди. Ўн ўйиндан кейин 6,5 тадан очко олган Канишчикер ва Еқубовлар олдинда бормоқдалар.

Баскетбол мусобақаси

Яқинда техникум студентларининг Тошкент шаҳар биринчилиги учун икки ҳафта давом этган баскетбол бўйича мусобақаси тамом бўлди. Мусобақада 14 та эрлар ва хотин-қизлар командаси қатнашди. Давлат Физкультура техникуми иккинчи ўринни ва Темир йўл электромеханика техникумининг баскетболчилари учинчи ўринни олдилар.

Хотин-қизлар командалари ўртасида физкультура техникумининг спортчилари ғолиб чиқдилар.

СУД

ҚОТИЛ ЖАЗОЛАНДИ

Қодирали Юсупов 1935 йилдан бери бирга турмуш кечириб келаётган ўз хотини Гулсанам Юсуповани асосиз қойиб, унга кўп марта азоб берган. 1953 йил 17 сентябрь куни қотил Юсупов 8 ойлик ҳомиласи бўлган Гулсанамни саккиз жойидан пичоқ уриб, вахшийларча ўлдирган.

Тошкент область, Калинин район 1-нчи участка халқ суди қотил Юсуповнинг жиноий ишин кўриб, уни 10 йил озодликдан маҳрум қилишга, қамоқ муддати тугагандан кейин икки йил сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳукм этди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бинода) — 23/V да **Ҳамза**, 25/V да **Юрак сирлари**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида) — 23/V да **Полтавали Наталка**, 24/V да **Нурхон**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 23/V да **Украиннинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишланган концерт**. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

24/V да **Узбек ашула ва рақс ансамблининг концерти**. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

27, 28, 29 ва 30/V да Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Тамарахоним **концертлари**. Билетлар сотилмоқда.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — **Соррентога қайтиб кел.**

НАВОИЙ номли — кеч соат 6 гача **Енгилмаслар**, кеч соат 8 дан **Парм ибодатхонаси** (2-нчи серия).

СОБИР РАҲИМОВ номли — кундуз **Бой ила хизматчи**, кечқурун **Тош гўл**.

«ИСКРА» — кеч соат 7-40 минутгача **Енгилмаслар**, кеч соат 8-20 минутдан **Ўгирланган бахт**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — **Узоқдаги ёр**.

«УЗБЕКИСТОН» — кундуз **Тайгадаги ҳодиса**, кечқурун **Айбсиз айбдорлар**.

«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» — **Украинна қирларида**, кеч соат 10 да **Ярмаркадаги ҳодиса**.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли — **Енгилмаслар**.

СОБИР РАҲИМОВ номли — **Йўлбарс**.

«ИСКРА» — **Сепли тўй**.

«ХИВА» — **Енгилмаслар**.

ТЕЛЬМАН номли — **Рақс ўқитувчиси**.

ПУШКИН номли — **Тоғлар орасидаги застава**.

«ВАТАН» — **Тинч кунларда**.

«ОКТЯБРЬ» — **У, ватанни ҳимоя қилади**.

«УДАРНИК» — **Васса Железнова**.

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — **Ака-ука Лю, Рассом Серов, Рассом Поленов**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА ТЕЗ КУНДА ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ойбек романи бўйича

Т. Ҳўжаев инсценировкаси

ҚУТЛУҒ ҚОН

4 пардали драма.

Режиссёр — **Тўла Ҳўжаев**, рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми — **Ҳамидулла Икромов**.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА

23 майда

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати

Ғулом Абдурахмонов концерти

Концертда Ўзбекистон давлат эстрадасининг артистлари қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Касса кеч соат 5 дан очилади.

Ўзбек тилида чиқадиган

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"

ва рус тилида чиқадиган

„ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА"

ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА 1954 йилнинг иккинчи ярми учун обуна қабул қилинади

АЙРИМ КИШИЛАРДАН ОБУНА: муассаса ва ташкилотлардаги обуна пунктларида, шунингдек «Союзпечать»нинг шаҳар бўлимида (Карл Маркс кўчаси, 25-нчи уй), Бош почтамтда (Крилов кўчаси, 4-нчи уй) ва Тошкент шаҳрининг почта бўлимларида қабул қилинади.

Тошкент областининг ҳамма шаҳар ва районларида обуна «Союзпечать»нинг шаҳар ва район бўлимларида, шунингдек корхоналар, қурилишлар, ўқув юртлари ва муассасалардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурхи» бирлашган нашриёти.

Доимий ишлаш учун: чертёжниклар, копировщицалар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 10-нчи уй, «Ўзбекгипроцветмет».

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 оркали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, э'лонлар бўлими — 38142

Р 00526. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурхи» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1339.